

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИК
ВАЗИРЛИГИ**

АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

ИҚТИСОДИЁТ ВА БОШҚАРУВ ФАКУЛЬТЕТИ

**ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИНИ БОШҚАРИШ ВА ЮРИТИШ
ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ**

Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти ва бошқарув кафедраси

« Т А С Д И Қ Л А Й М А Н »
факультет декани _____
доцент Х.Х.КОМОЛОВ
« ____ » _____ 2015 йил

« Ҳимояга рухсат этаман »
кафедра мудири _____
доцент О.А. ШЕРМАТОВ
« ____ » _____ 2015 йил

**Фермер хўжалигини бошқариш ва юритиш таълим йўналишининг
битирувчиси *Маматалиев Бахтиёржоннинг***

БИТИРУВ МАЛАКАВЎСЎЛИ ИШЧИ

Мавзу: Хўжаобод туманидаги “Хабибулло чорбоғи” фермер хўжалигида
маҳсулот ишлаб чиқаришни самарали бошқариш тизимини
такомиллаштириш

БМИ раҳбари: _____ *катта ўқит. Т.Н.Иминов*

Бажарувчи: _____ *Б.Қ.Маматалиев*

Андижон - 2015 йил

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИК
ВАЗИРЛИГИ
АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ
ИҚТИСОДИЁТ ВА БОШҚАРУВ ФАКУЛЬТЕТИ
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИҚТИСОДИЁТИ ВА БОШҚАРУВ
КАФЕДРАСИ**

«Т А С Д И Қ Л А Й М А Н»
Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти ва
бошқарув кафедрасининг мудир
доцент О.А.Шерматов_____

«_____» _____ 2014 й.

**Фермер хўжалигини бошқариш ва юритиш таълим йўналишининг
битирувчиси Маматалиев Бахтиёржонга битирув малакавий ишини
бажариш учун**

ТОПШИРИК

1. Битирув малакавий ишининг мавзуси: институт ректорининг «10» сентябр 2014 йилдаги №275-СТ сонли буйруғи билан тасдиқланган.

2. БМИнинг мавзуси: Хўжаобод туманидаги “Хабибулло чорбоғи” фермер хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқаришини самарали бошқариш тизимини такомиллаштириш.

3. Битирув малакавий ишни тугатиш вақти: «4» июн 2015 йил.

4. Битирув малакавий ишнинг асосий бўлимлари. БМИ кириш, 3 та боб, хулоса ва таклифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

5. Битирув малакавий ишни бажариш учун керакли маълумотлар. Ўзбекистон Республикасининг қишлоқда иқтисодий ислохотларни ўтказишга оид бўлган қонунлари, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, мавзуга оид адабиётлар ҳамда Хўжаобод туманидаги “Хабибулло чорбоғи” фермер хўжалигининг 2012-2014 йиллар учун бизнес режалари, йиллик ҳисоботлари ва мавзуга оид бўлган бошқа маълумотлари.

6. Битирув малакавий ишда фойдаланиладиган жадваллар. Битирув малакавий ишида мавзунинг моҳиятини ёритишга ёрдам берадиган 10-12 та жадвалларни тузилиши кўзда тутилган бўлиб, улардан 3 таси бевосита ҳимоя жараёнида фойдаланилади.

Битирув малакавий ишнинг асосий саволлари	БМИнинг раҳбари	Бажарилиш муддати	Имзо
<i>Кириш.</i>	<i>кат.ўқит. Иминов Т.</i>	<i>23.12.2014</i>	
<i>І- боб. Фермер хўжаликларида маҳсулот етиштиришни самарали бошқариш тизимининг аҳамияти ва назарий –услубий асослари.</i>			
<i>1.1. Фермер хўжаликларини барқарор ривожланишида бошқариш усуллариининг тутган ўрни ва аҳамияти.</i>	<i>кат.ўқит. Иминов Т.</i>	<i>20.01.2015</i>	
<i>1.2. Фермер хўжалигида бошқариш усулларида фойдаланишининг назарий – услубий асослари.</i>	<i>кат.ўқит. Иминов Т.</i>	<i>30.01.2015</i>	
<i>II- боб. Хўжаобод туманидаги “Хабибулло чорбоғи” фермер хўжалиги фаолиятини самарали бошқариш тизими асосида эришилган иқтисодий самарадорлик ва маҳсулот етиштириш технологияси таҳлили.</i>			
<i>2.1. Хўжаобод туманидаги “Хабибулло чорбоғи” фермер хўжалигининг табиий-иқтисодий ва ресурс имкониятлари.</i>	<i>кат.ўқит Иминов Т.</i>	<i>28.02.2015</i>	
<i>2.2. “Хабибулло чорбоғи” фермер хўжалигида бошқариш усулларида фойдаланиш асосида эришилган иқтисодий самарадорлик ва уни таҳлили.</i>	<i>кат.ўқит Иминов Т.</i>	<i>31.03.2015</i>	
<i>2.3. “Хабибулло чорбоғи” фермер хўжалигида пахта ва галла етиштириш технологияларининг ҳозирги ҳолати.</i>	<i>кат.ўқит Қодиров О.</i>	<i>30.04.2015</i>	
<i>III- боб. Фермер хўжалигида маҳсулот етиштиришни самарали бошқариш тизимини такомиллаштириш.</i>			
<i>3.1. Фермер хўжаликларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва тартибга солишининг самарали бошқаришга таъсири.</i>	<i>кат.ўқит Иминов Т.</i>	<i>2.05.2015</i>	
<i>3.2. Фермер хўжалигида маҳсулот етиштиришни самарали бошқариш тизимини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари.</i>	<i>кат.ўқит Иминов Т.</i>	<i>2.06.2015</i>	
<i>Хулоса ва таклифлар.</i>	<i>кат.ўқит. Иминов Т.</i>	<i>3.06.2015</i>	
<i>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.</i>	<i>кат.ўқит. Иминов Т.</i>	<i>3.06.2015</i>	

Топширик берилган вақти:

БМИ раҳбари:

Битирувчи:

« 12 » сентябр 2014йил

катта ўқитувчи Т.Иминов

Б.Маматалиев

М у н д а р и ж а

<i>Мазмуни</i>	<i>Бетлар</i>
<i>Кириш.</i>	5-9
<i>I- боб. Фермер хўжаликларида маҳсулот етиштиришни самарали бошқариш тизимининг аҳамияти ва назарий –услубий асослари.</i>	
<i>1.1. Фермер хўжаликларини барқарор ривожланишида бошқариш усуллариининг тутган ўрни ва аҳамияти.</i>	10-22
<i>1.2. Фермер хўжалигида бошқариш усулларида фойдаланишининг назарий –услубий асослари.</i>	23-27
<i>II- боб. Хўжаобод туманидаги “Хабибулло чорбоғи” фермер хўжалиги фаолиятини самарали бошқариш тизими асосида эришилган иқтисодий самарадорлик ва маҳсулот етиштириш технологияси таҳлили.</i>	
<i>2.1. Хўжаобод туманидаги “Хабибулло чорбоғи” фермер хўжалигининг табиий- иқтисодий ва ресурс имкониятлари.</i>	28-35
<i>2.2. “Хабибулло чорбоғи” фермер хўжалигида бошқариш усулларида фойдаланиш асосида эришилган иқтисодий самарадорлик ва уни таҳлили.</i>	36-50
<i>2.3. Фермер хўжалигида пахта ва галла етиштириш технологияларининг ҳозирги ҳолати.</i>	51-59
<i>III- боб. Фермер хўжалигида маҳсулот етиштиришни самарали бошқариш тизимини такомиллаштириш.</i>	
<i>3.1. Фермер хўжаликларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва тартибга солишининг самарали бошқаришга таъсири.</i>	60-70
<i>3.2. Фермер хўжалигида маҳсулот етиштиришни самарали бошқариш тизимини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари.</i>	71-75
<i>Хулоса ва таклифлар.</i>	76-78
<i>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.</i>	79-82

Кириш

Мавзунинг далзарблиги. Қишлоқ хўжалигида бозор муносабатларини таркиб топиши ва ривожланиши соҳада туб таркибий ўзгаришларни ўтказиш асосида амалга оширилмоқда. Сабаби, янги иқтисодий тизим ҳисобланган бозор иқтисодиёти қишлоқда самарали фаолият кўрсата олиши учун у ўзига мос келадиган янги таркибий тўзилмага эга бўлиши керак. Таркибий ўзгаришлар иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш асосида амалга оширилиб аграр иқтисодиётни бозор талабларига мослаштиради ҳамда қишлоқда мулкдорлар қатламини вужудга келиши ва хусусий тадбиркорликни ривожланиши учун зарур бўлган барча шарт-шароитларни яратади. Шунинг учун ҳам қишлоқда юз бераётган туб таркибий ўзгаришлар аграр ислохатларни чуқурлаштиришнинг қонуний натижаси бўлиб ҳисобланади.

И.А.Каримов мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида: «Қишлоқ хўжалигида эришилган ютуқлар ҳақида гапирганда, шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, бу соҳада биз қўлга киритган улкан марралар, аввало, фермерларимиз, қишлоқ хўжалиги мутахассислари ва қишлоқ тараққиёти билан боғлиқ тармоқларда меҳнат қилаётган юз минглаб юртдошларимизнинг фидокорона меҳнати, билим ва тажрибасининг самарасидир.

2014-йилда қишлоқ меҳнаткашлари қандай оғир синовларга дуч келганини ҳаммамиз яхши биламиз. Совуқ кунлар одатдагидан кўпроқ бўлди. Бу, айниқса, баҳор ойларида янада кўпроқ сезилди. Ёздаги сув танқислиги, вегетация давридаги кучли шамол ва бўронлар, кузнинг анча эрта ва салқин келгани соҳа меҳнаткашлари учун кўплаб жиддий муаммоларни туғдирди.

Ана шундай қийинчиликларга қарамасдан, деҳқон ва фермерларимизнинг мардонавор меҳнати, замонавий агротехнологияларни жорий этиш ҳисобидан 3 миллион 400 минг тоннадан зиёд пахта,

мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги тарихида биринчи марта 8 миллион 50 минг тонналик юксак ғалла хирмони бунёд этилди»¹ деб алоҳида таъкидладилар.

Республикада фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш ва иқтисодий мустақиллигини босқичма-босқич мустаҳкамлаш жараёнида бозор талабларига тўла жавоб берадиган иқтисодий тизимни шакллантирилишига ва уни самарали фаолият кўрсатишини таъминланишига алоҳида аҳамият берилмоқда. Қишлоқ хўжалигида ўтказилаётган иқтисодий ислохатларни чуқурлаштиришнинг иккинчи босқичида бирламчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарадиган ўндан ортиқ хўжалик юритиш шакилларидаан учтаси яъни мулкый пайларга ва оилавий пудратга асосланган қишлоқ хўжалиги кооперативлари ҳамда фермер ва деҳқон хўжаликлари истиқболли деб танлаб олинган бўлса учунчи босқичда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини тўлалигича хусусий тадбиркорлар қўлига топшириш жараёнини амалга ошириш бош мақсад қилиб белгиланди. Бу соҳадаги ишларни самарали ташкил этиш ва бошқаришда Президентимизнинг 24 март 2003 йилдаги «Қишлоқ хўжалигида ислохатларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида»ги ПФ-3226 сонли фармони муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ушбу фармон аграр соҳада ўтказилаётган иқтисодий ислохатларни янада чуқурлаштирилишини, бозор муносабатларини ривожлантирилишини, қишлоқ хўжалигида бошқариш тизимини бозор талабларига тўлароқ мослаштирини, хўжалик юритиш шакиллариини иқтисодий мустақиллигини ва уларнинг ҳуқуқий муҳофазасини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Фармоннинг биринчи бандида бирламчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи асосий субъект бўлиб қоладиган фермер хўжаликларни ривожлантириш устивор йўналиш сифатида белгиланди. Ушбу

¹ Каримов. И. А “2015-йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация вадиверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобиданх усусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир” Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси// Халқ сўзи , 17 январь 2015 йил №-11.

фармонни ҳаётга тадбиқ этилиши аграр ислохатларни чуқурлашуви асосида фермер хўжаликларини устивор хўжалик юритиш шаклига айланишини таъминламоқда. Натижада фермер хўжаликлари бирламчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришга асосланган энг самарали хўжалик юритиш шалкига айланди. Бу қишлоқда ўрта мулкдорлар қатламини таркиб топиши ва мустаҳкамланишини таъминлаб аграр соҳада бозор муносабатларини янада ривожланиши учун мустаҳкам замин тайёрламоқда.

Юқорида келтирилган ижобий ўзгаришлар Республикамиз қишлоқ хўжалигида босқичма-босқич амалга ошириб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг натижаси бўлиб ҳисобланади. Аграр соҳада ўтказилаётган иқтисодий ислохатларни чуқурлаштиришнинг учинчи босқичида фермер хўжаликларини ташкил этиш ва ривожлантиришда алоҳида эътибор берилмоқда. Пухта ўйланган дастур асосида ўтказилган мақбуллаштириш жараёни натижаларига кўра фермер хўжаликларининг ер майдонлари ҳажми мақбуллаштирилди.

Лекин аграр ислохатларни чуқурлаштиришнинг ҳозирги босқичида фермер хўжаликларини бошқариш тизимида бир қатор камчиликлар ва етишмовчиликлар вужудга келмоқда. Аввало аграр соҳани ислоҳ қилиш ва қишлоқда аҳоли фаровонлигини янада ошириш жараёнида фермер хўжаликларининг тутган ўрни ва аҳамиятини кескин ошириш зарурияти туғилмоқда. Бу эса фермер хўжаликларни ташкил этиш ва бошқариш тизимини тубдан ислоҳ қилиниши асосида уларнинг иқтисодий мустақиллигини таъминланишини объектив заруриятга айлантирмоқда.

Юқоридаги долзарб масалаларни ижобий ҳал этилишида Президентимизнинг 2012 йил 22 октябрдаги «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4478 сонли фармони муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Республикада фермер хўжаликлари уюшмаси тизими тугатилиб уни ўрнида Ўзбекистон фермерлари кенгашини таркиб топиши аграр ислохатларни чуқурлашуви асосида эришилган инқилобий характердаги

муҳим социал-иқтисодий воқеадир. Кенгаш қишлоқ хўжалигида хусусий тадбиркорликнинг устивор ва ҳал қилувчи шакли ҳисобланган фермер хўжаликларини нафақат ўзини-ўзи мустақил бошқариш органи, балки уларнинг ташқи химояланиш тизими бўлиб ҳам ҳисобланади.

Кенгашларнинг қарорлари ва кўрсатмалари фермер хўжаликлари фаолиятида вужудга келадиган барча масалаларни самарали ҳал этиш, техник-технологик ва иқтисодий мустақиллигини амалга ошириш асосида уларни барқарор ривожланишини таъминлаш бўйича шарт-шароитларни яратилишига қаратилади. Бу эса фермер хўжаликлари фаолиятига салбий таъсир кўрсатаётган бир қатор омилларни ўз-ўзидан бартараф этилишига олиб келади. Сабаби республика, ҳудудий ва туман кенгашларининг аъзолари ва раислари бевосита фермер хўжаликлари бошлиқларининг ўзларидир.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда 66 мингдан ортиқ фермер хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда. Жами ҳайдаладиган ерларнинг 85 фоизи фермер хўжаликларига узоқ муддатли ижарага берилган бўлиб улар ҳиссасига етиштирилаётган пахта хом-ашёсининг 99,5 фоизи, пилланинг қариб 98 фоизи, бошоқли доннинг 85 фоизи, мева-сабзавот ва полиз маҳсулотларининг 65 фоизи тўғри келади. Ушбу фармонни бевосита амалиётда қўлланилиши бўйича махсус чора-тадбирлар дастури ҳам тасдиқланган бўлиб у фермер хўжалиқларининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш ҳамда бошқариш тизимини ислоҳ қилиш асосида уларни иқтисодий мустақиллигини ва молиявий барқарорлигини таъминланишига қаратилган.

Хулоса қилиб айтилганда дастурда белгиланган чора-тадбирларни босқичма-босқич амалга оширилиши жойларда фермер хўжалиқларининг иқтисодий мустақиллигини кескин ошириш ва уларнинг иқтисодий самарадорлигини оптимал даражага кўтариш имкониятларини яратади.

Кўзда тутилган иқтисодий самарадорликка эришиш учун фермер хўжалиқларида иқтисодий усуллардан кенг ва самарали фойдаланилишига алоҳида эътибор берилмоқда. Шу мақсадда бошқаришнинг фармойиш

усулларидан меъёр даражасида фойдаланишига қатъий амал қилиниши лозим. Акс холда фермер хўжалиги кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни белгиланган суръатларда амалга ошириш учун зарур булган молиявий маблағларга эга булмайди. Маъмурий усуллардан иқтисодий усулларни самарали қўллаш учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратиш мақсадида фойдаланилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Юқорида келтирилган маълумотлар БМИнинг мавзуси ҳозирги куннинг энг долзарб масаласига тааллуқли эканлигини асослайди.

БМИнинг мақсади ва вазифалари. Битирув ишининг асосий мақсади «Хабибулло чорбоғи» фермер хўжалигида бошқариш усулларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш масалаларини ўрганишдир.

Битирув ишида қуйидаги вазифалар бажарилди:

1. Қишлоқ хўжалигида бошқариш усулларини тутган ўрни ва аҳамияти асосланди.

2. «Хабибулло чорбоғи» фермер хўжалигида ишлаб чиқаришни модернизациялаш жараёнида бошқариш усулларидан фойдаланиш ва уни самарадорлигини ошириш масалалари ўрганилиб таҳлил этилди.

3. Фермер хўжалигида бошқариш усулларини қўллаш ва самарадорлигини ошириш бўйича фикр-мулохалар ва таклифлар ишлаб чиқилди.

БМИнинг амалий аҳамияти. Битирув ишида келтирилган фикр-мулоҳазалардан, хулоса ва таклифлардан «Хабибулло чорбоғи» фермер хўжалигини истикболли дастурини тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

БМИнинг таркиби. Битирув иши кириш, 3та бобдан иборат асосий қисм, хулоса ва таклифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Битирув иши электрон вариантда ёзилган бўлиб 82 саҳифани ташкил қилади. Битирув ишида 9 та жадвал ва 1та чизма берилган.

I- БОБ. ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИДА МАҲСУЛОТ ЕТИШТИРИШНИ САМАРАЛИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИНГ АҲАМИЯТИ ВА НАЗАРИЙ –УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ.

1.1. Фермер хўжаликларини барқарор ривожланишида бошқариш усулларининг тутган ўрни ва аҳамияти.

Қишлоқ хўжалигини барқарор ривожланиши кўп жиҳатдан фермер хўжаликларининг ҳолатига боғлиқдир. Сабаби фермер хўжаликлари ҳозирги кунда қишлоқда хўжалик юритишнинг устивор шакли бўлиб ҳисобланади.

Фермер хўжаликлари ҳозирги кунда қишлоқ хўжалиги ЯИМни 35 фоиздан кўпроғини ишлаб чиқармоқда. Жумладан, мамлакатимизда етиштирилаётган пахта хом-ашёси қарийб тўла ва буғдой донини 80 фоиздан ортиғи улар ҳиссасига тўғри келади.

Фермер хўжалиги ривожланган мамлакатларнинг узоқ даврли тажрибасида ўзининг самарадорлиги, рақобатбардошлиги, бозор конъюнктурасига тез мослаша олиши каби хусусиятларини намоён эта олди. Шунга кўра, Ўзбекистонда ҳам фермер хўжаликларининг ривожланишига катта эътибор қаратилиб, улар фаолиятининг зарур иқтисодий шарт-шароитлари яратилди, меъёрий-ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилди.

Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтиш шароитида фермер хўжаликларининг ташкил топиши аграр ислохотларнинг асосий мазмунини ташкил этди. Фермер хўжаликларининг ташкил этилиши босқичма-босқич ва изчиллик асосида олиб борилди.

Президентимиз ўз асарларида мамлакатимизда фермер хўжаликларини моддий-техник таъминлаш ва молиялаш бўйича бозор иқтисодиёти тамойилларига тўла жавоб берадиган ишончли тизим ва механизмлар шакллантирилганлиги ва муваффақиятли фаолият кўрсатаётганлигига алоҳида эътибор қаратдилар.

Президентимизнинг асослашича «Ҳозирги вақтда фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг энг самарали шакли эканини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда.» (И.Каримов Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг чоралари ва йўллари. Тошкент 2009 й).

Фермер хўжалигини барқарор ривожланиши кўп жиҳатдан уни бошқариш жараёнида қўлланилаётган бошқариш тизимига боғлиқдир. Бошқариш тизими асосида бошқарув усуллари ётади.

Бошқарув усуллари бошқарув субъектининг муайян натижаларга эришиш мақсадида бошқарув объектига таъсир ўтказиш усуллари ва йўлларининг йиғиндисидир. Бошқарув усуллари воситасида моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланган ҳолда, юқори натижаларга эришиш мақсадида иқтисодий жараёнларга таъсир этилади.

Бошқарув усуллари ўз моҳиятига ва таъсир этиш хусусиятларига кўра уч гуруҳга ажратилади. Улар жумласига **ташкилий-фармойиш, иқтисодий ва ижтимоий-психологик усуллар** киради. Улар ичида иқтисодий усуллар алоҳида ўрин тутди. Сабаби уларнинг қўлланилиши иқтисодий самарадорликни кескин ошириш имкониятини беради. Шунинг учун ҳам иқтисодий усуллар бозор иқтисодиёти шароитида бошқаришнинг энг самарали усуллари ҳисобланиб улар бозор иқтисодиётининг талабларига тўла мос келади.

Бошқаришнинг иқтисодий усуллари иқтисодий манфаатларидан фойдаланишга асосланади. Зеро, ҳар қандай жамиятнинг иқтисодий муносабатлари, энг аввало манфаатларда намоён бўлади, манфаатлар уч хил бўлади:

- Умумжамият манфаатлари;
- Жамоа манфаатлари;
- Шахсий манфаатлар.

Бу манфаатларни уйғун суръатда боғлаб олиб бориши муаммоси бир катор муаммоларни хал қилишни ҳар бир давр шароитларига мувофиқ келадиган муносабатларни ўрганишни талаб қилади.

Иқтисодий бошқарув усулларининг асосий вазифаси ишлаб чиқариладиган маҳсулот бирлигига сарфланадиган харажати камайтиришга имкон берувчи хўжалик механизмларининг янги усулларини, шунингдек манфаатдарлик муҳитини вужудга келтириш ва улардан самарали фойдаланишдир.

Бу усулда кишиларнинг шахсий ва гуруҳий манфаатларини юзага чиқариш орқали уларнинг самарали ишлашини таъминлайди.

Бошқаришнинг иқтисодий усуллари жумласига:

- Кредит фоизи;
- Солиқ ва солиқ юки;
- Бож тўловлари;
- Субсидия ва санкция;
- Лицензия;
- Трансферт тўловлари;
- Нарх наво ва хоказолар киради;

Бошқарув органлари, хусусан, давлат бу усулларни қўллаб бозорни шакллантириш чоғида ҳам, унинг ўзини бошқариши босқичида ҳам ғоят муҳим жараёнларни бошқаради.

Агар маъмурий бошқариш усуллари ўзини ўзи бошқарадиган бозор механизмларига қаршилиқ кўрсатса, уларга тўсқинлик қилса, иқтисодий усуллар эса аксинча, улардан фойдаланишга таянади. Хўжалик соҳасига давлатнинг таъсири ҳам тубдан ўзгаради. Бинобарин, маъмурий бошқариш усулида давлат корхоналарга ўз таъсирини қатъий белгиланган режа орқали ўтказади.

Натижада бозор корхона ва фирмалар фаолиятини, давлат эса бозорнинг ўз қонуниятларидан келиб чиққан ҳолда макроиқтисодиёт

бошқаришини амалга оширади. Бу эса давлатнинг бозор ва корхоналар фаолиятига минимум даражада аралашувини ифодалайди.

Бошқарув усуллари ичида иқтисодий усуллар етакчи ва асосий ўрин тутди. Иқтисодий усуллар қўйилган мақсадга эришиш учун ишчи ва ходимларнинг манфаатларига таъсир ўтказиш орқали бошқарув мақсади ва вазифаларини амалга оширишга имкон берувчи рағбатлар ва воситалар мажмуасидир.


1-чизмада Бошқаришнинг иқтисодий усуллари ва уларнинг таркиби акс эттирилган. Чизмадан кўриниб турибдики уларнинг таркибига корхонанинг фаолиятига таъсир кўрсатувчи иқтисодий кўрсаткичлар яъни бизнес режа, нарх, кредит, режалаштириш, харажатлар ва таннарх, фойда, рентабеллик, солиқлар, иш ҳақи, иқтисодий рағбатлантириш ва шу кабилар киради.

Бошқарувнинг иқтисодий усуллари 4 та йирик гуруҳга булинади. Яъни режалаштириш, иқтисодий таҳлил, моддий рағбатлантириш ва хўжалиги ҳисоби.

Режалаштириш – бошқарув фаолиятини илмий асосланган тарзда ташкил қилиш усулларида биридир. Режалар корхона фаолиятининг барча жиҳатларини: моддий-техника таъминоти, ишлаб чиқариш, маҳсулот сотиш, молиявий ва инвестицион фаолият, персонал фаолиятини қамраб олади. Режалаштириш корхона фаолиятининг асосий мақсади, вазифалари ва йўналишларини ҳамда эришилиши кўзда тутилаётган натижаларни олдиндан белгилаб олиш ҳамда прогнозлаштириш имконини беради. Режаларни оператив, жорий ва истиқбол даврлар учун, алоҳида иш турлари ёки муайян бир инвестицион лойиҳалар учун ҳамда корхонанинг барча фаолиятини қамраб олувчи бизнес-режа тарзида тузиш мумкин.

Самарали бошқарув тизимини яратиш, ижтимоий-иқтисодий ва техник-технологик муаммоларнинг оқилона ечимини топиш, мавжуд шарт-шароитлар ҳамда вазиятни чуқур таҳлил қилиш асосида таъминланади.

Бошқаришнинг иқтисодий усуллари ва уларнинг таркиби



Иқтисодий таҳлилнинг асосий вазифаси - режалаштириш тизими орқали белгиланган мақсад ва вазифаларга эришиш ҳолатини оператив маълумотлар, статистик ва молиявий ҳисоботлар ёрдамида таҳлил этиб бориш ҳамда тегишли қарорлар қабул қилишдир.

Иқтисодий манфаатлар тизими давлат ва жамият манфаатлари, жамоа манфаатлари ва шахс манфаатларидан ташкил топади. Давлат ва жамият манфаатлари билан жамоа ҳамда шахс манфаатлари орасида муайян боғлиқлик мавжуд. Масалан, шахс биринчи навбатда ўз меҳнати натижаларини юксалтиришдан манфаатдор. Шу билан бирга, у ўзи аъзо бўлган жамоанинг меҳнати натижаларини юксалтиришдан ҳам манфаатдор. Чунки, корхона жамоасининг юқори меҳнат натижалари ходимнинг иш ҳақи даражасига бевосита таъсир кўрсатади. Аммо, жамият миқёсида моддий фаровонликни таъминламасдан, унинг барқарорлиги ва хавфсизлигига эришмасдан, алоҳида олинган бир шахснинг баркамол ривожланишини тасаввур этиб бўлмайди.

Моддий рағбатлантириш – бошқарув тизимида алоҳида аҳамиятга эга. Бу усул ишлаб чиқариш натижалари ва унинг иқтисодий самарадорлигини юксалтиришдан шахснинг манфаатдорлигини таъминлаш ҳамда рағбатлантириш тизимини кенг қўллашни назарда тутди. Моддий рағбатлантириш тизими иш ҳақининг прогрессив усуллари қўллашни, тежамкорлик, маҳсулот сифати ва ортиқча бажарилган иш ҳажми учун турли мукофотлар ҳамда устамалардан фойдаланишни, ходимлар учун моддий ёрдам уюштиришни ёки уларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадида ташкил этиладиган тадбирларни назарда тутди. Бозор иқтисодиёти шароитида моддий рағбатлантириш усуллари ишчи ва мутахассис ходимлар меҳнатининг унумдорлигини оширишда энг муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Хўжалик ҳисоби - ишлаб чиқариш харажатлари ва натижалари нисбатларини солиштиришга асосланган таннарх, фойда, меҳнат

унумдорлиги, рентабеллик каби қиймат кўрсаткичлари орқали бошқарув объектларини тартибга солиб туради.

Ишлаб чиқаришни бошқаришнинг илмий асослари умумий булсада, фермер хўжалигида ҳисобга олиниши керак бўлган айрим хусусиятларга ҳам эга. Ишлаб чиқаришни бошқариш ва хўжалик юритишнинг ушбу турига авало хусусий мулкчиликка хос хусусиятлар кўпроқ тўғри келади. Фермер хўжаликларида ички хўжалик юритиш тизимининг ўзига хослиги, яъни асосан фермер оиласи аъзолари меҳнатига ва ёлланма меҳнатга асосланганлиги уларнинг тармокда ишлаб чиқариш фаолияти билан шугулланаётган бошқа турдаги хўжалик юритиш шаклларида ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш тизимидан тубдан фарқланишини белгилаб беради.

Фермер хўжалигини бошқариш асосларини қуйидагилар ташкил этади: фаолият эркинлиги ва кафолатлари, мустакиллик, ташаббускорлик, тадбиркорлик, бозор қонунлари асосида мустакил ривожланиш кўникмалари, мослашувчанлик, тезкорлик ва бошқалар.

Республикамизда фермерлик ҳаракатини ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида улар фаолиятини бошқариш эмас, мувофиқлаштиришга катта эътибор берилмокда.

Бирок кузатув натижаларига қараганда, жойларда фермерларни бошқаришнинг маъмурий-бўйруқбозликка асосланган ҳар хил шакллари (уюшма, агрохизмат ва хоказо) тузилиши улар фаолиятига салбий таъсир кўрсатмокда. Ўтказилган анкета сўровлари натижаларидан фермер хўжаликлари фаолиятини мувофиқлаштириб, улар манфаатларини ҳимоя қилувчи асосий ташкилот бўлган фермер хўжаликлари уюшмасининг ҳудудий вакилликлари фаолиятида ҳали кўпгина масалаларни такомиллаштириш лозимлигини кўрсатади. Баъзи вилоятларда фермер хўжаликлари уюшмалари вакилликлари раҳбарлари фермер хўжаликларида бошқарув органи сифатида кўрсатмалар бериши, турли талабларни қуйиши кузатилади.

Шу боис ушбу тузилмалар фаолиятини қайта кўриб чиқиш, уларни фермерларга хизмаг кўрсатувчи, улар фаолиятининг, яъни махсулот ишлаб чиқаришдан то уни сотишгача булган жараённинг мувофиқдаштирувчиси, якин кўмакчи сифатида шакллантиришга катта эътибор бериш керак.

Фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятини бошқариш муайян қонуниятлар ва тамойилларга асосланади.

Фермер хўжалигини бошқаришда амал қилинадиган бошқарув қонуниятларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- хар гектар ердан энг кам меҳнат ва моддий ресурслар сарфи ҳисобига энг кўп миқорда махсулот етиштиришга эршииш;

- ишлаб чиқарилган ресурсларнинг истеъмол қилинган ресурслардан максимал даражада кўпроқ, ва ишлаб чиқариш самарадорлиги юқори бўлишига эришиш;

- ишлаб чиқаришни пухта уйланган тактика ва стратегия асосида ташкил этиш ва ривожлантириш;

- барча меҳнат ва уму.ман, ишлаб чиқариш жараёнларининг ижтимоий нормал узлуксизлигини ва барқрорлигини таъминлаш;

- марказлаштириш билан мустакилликнинг мақбул нисбатларини таъминлаш;

- аниқ мақсадни кўзлаб бошқариш;

- бошқарув ходимларини ихтисослаштириш билан уларнинг маълум даражадаги универсаллигини энг мақбул тарзда қўшиб олиб бориш.

Бошқариш тамойиллари - бошқариш жараёни уз вазифасига ҳамда самарадорлик ва мақбуллик талабларига жавоб бериши учун, ушбу жараёнда бошқарув органлари ва ходимлари таяниши лозим булган, бошқарув муносабатлари ва қонуниятларидан келиб чиқувчи, объектив асосланган асосий бошқарув тартибларидир.

Фермер хўжаликларини бошқариш тамойилларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- ишлаб чиқариш фаолиятини режа асосида ташкил этиш ва юритиш;

- илм-фан ютуқларидан кенг фойдаланиш;
- якка тартибдаги ва жамоавий бошқаришнинг мақбул нисбатларини таъминлаш;
- кадрларни тўғри танлаш ва жойлаштириш;
- моддий ва маънавий рағбатлантириш;
- ишлаб чиқаришнинг якуний натижаларидаги жавобгарлилик механизми;
- меҳнат тақсимооти ва кооперацияси;
- самарадорлик ва оптималлик;
- аниқлик ва тезкорлик;
- назорат ва қарорлар ижроси.

Фермер хўжаликларида ишлаб чиқариш фаолиятини бошқаришда юқорида келтирилган қонуният ва тамойилларга асосланиш муҳим аҳамиятга эга.

Хўжаликни бошқаришнинг асосий вазифаларидан бири уни режалаштиришдир. Фермер хўжалиги фаолиятида узоқ муддатли (стратегик) ва қисқа муддатли (тактик) режалаштириш шаклларида фойдаланилади. Масалан, фермер қандай турдаги маҳсулотларни ва қанча ҳажмда етиштиришни белгилаб олиши учун *стратегик қарор*, режа амалга ошириладиган вақтда эса, тактик қарорлар қабул қилади.

Тактик қарорлар қуйидагилар бўлиши мумкин: хўжалик фаолиятига доир айрим тадбирларни танлаш муддатлари, масалан, йил фасли ва тупроқ-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда экиш ишларини бошлаш муддати, ушбу тадбирларни бажариш усуллари, масалан, уруғ сифати ва экиш технологиясини танлаш, ишлаб чиқариш жараёнига тузатишлар, киритиш, масалан, айрим турдаги ўғитларни солиш меъёрлари ёки концентратлардан фойдаланиш вариантлари ва бошқалар хусусида.

Фермер хўжалиги ресурслардан фойдаланиш, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва юритиш режасини мустақил тузиш ва унинг амалий ижросини назорат қилиш ҳуқуқига эга бўлиши зарур.

Бугунги бозор муносабатлари шароитида, яъни қишлоқ хўжалиги ва саноат баҳолари ўртасидаги номутаносиблик ҳамда ички ва ташқи бозорларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига баҳоларнинг нобарқарорлиги шароитида фермер хўжалигида стратегик ва тактик режалаштириш ва улар ижроси устидан назорат олиб бориш масаласининг долзарблиги тобора ортиб бормокда. Шунинг учун ҳисобга олиб, айтиш лозимки, бугунги кунда хўжаликни режали бошқариш ўз аҳамиятини йўқотганича йўқ, аксинча, муҳимлик жихатидан бошқариш вазифаларининг энг асосийси сифатида эътироф этилмокда.

Фермер хўжалигини бошқариш жараёнининг энг муҳим жихати қарор қабул қилишдан иборатдир. Бошқаришга доир қарор, деганда хўжалик фаолиятининг муайян соҳасида мақсадни, шунингдек, унга эришиш воситаларини ва усуллари танлаш тушунилади. Фермер хўжалиги раҳбарларига ва мутахассисларига ҳар куни катта-кичик кўплаб қарорлар қабул қилишга тўғри келади. Ишлаб чиқаришни бошқаришнинг самарадорлик даражаси кўп жихатдан қабул қилинаётган қарорларнинг сифатига боғлиқ. Асосли, яхши ўйлаб, ўз вақтида қабул қилинган қарорлар ишлаб, чиқаришни муваффақиятли ривожлантириш негизидир.

Бугунги кун фермер хўжалигида ишлаб чиқариш жараёнлари ва муносабатларининг мураккаблиги хўжалик раҳбари томонидан турли хил қарорлар қабул қилиш заруратини келтириб чиқармокда. Фермер хўжалигида қабул қилинаётган бошқаришга оид қарорларни муҳимлигига қараб, 3 гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Ҳал қилинаётган масалалар кўлами;
2. Қарорларнинг амал қилиш муддати;
3. Қарорларнинг функционал характери.

Ҳал қилинаётган масалалар кўламига қараб бошқаришга доир қарорларнинг умумий ва хусусий турлари мавжуд.

Умумий қарорлар жумласига бутун хўжаликка доир қарорлар, хусусий қарорлар жумласига ишлаб чиқаришнинг айрим томонлари, ишчилар

гурухига таълуқли қарорлар киради. Амал қилиш муддатига қараб, қарорлар, узок муддатли (истикболли) ўрта муддатли (жорий) ва қисқа муддатли (тезкор) қарорларга бўлинади. Узокмуддатли қарорларни амалга ошириш учун бир неча йил талаб қилинадиган қарорлар киради. Ўрта муддатли қарорлар, йил давомида амалга оширилади. Қисқа, муддатли қарорлар қисқа вақт ёки бир неча кун, бир неча ҳафта давомида бажарилади.

Таъсир қилиш объекти жиҳатидан фермер хўжалигида қабул қилинган қарорларнинг ички ва ташқи қарорларга ажратиш мумкин. Ташқи қарорлар фермер хўжалигининг бошқа ташкилот ва корхоналар билан муносабатларига таалуқли бўлади. Ички қарорлар хўжалик ўз ҳаётининг турли томонларига таалуқли бўлади. Функционал характерга кўра фермер хўжалиги раҳбари қабул қилган қарорлар режа-иқтисодий, технологик, молиявий ва маъмурий қарорларга бўлинади.

Режа-иқтисодий қарорлар ишларини амалга оширишнинг истикболли режаларидан тортиб тезкор режаларигача бўлган бутун хўжалик режалари тизимини ишлаб чиқиш, бизнес режа тузиш билан боғлиқ масалаларни ўз ичига олади.

Технологик қарорлар фермер хўжалигининг агрономия, зоотехния, ветеринария, инжинерлик хизматларини ташкил этишга таалуқли бўлади.

Молиявий қарорлар хўжалик сметасини белгилаш ҳамда тасдиқлаш, турли фондларни тақсимлаш, кредитлар олиш ва тулашга қаратилади.

Маъмурий қарорлар, одатда, бошқариш аппаратининг уз фаолиятига доир бўлиб, мансабдор шахслар, бўлинмаларнинг ҳуқуқларини ва вазифаларини чегаралашга, уларнинг иш тартибларини ва биргаликдаги ҳаракатини белгилашга қаратилган бўлади.

Бозор муносабатлари шаклланиши шароитида фермер хўжаликлари фаолиятини режалаштириш ўз аҳамиятини йўқотмайди, балки янгича моҳият ва аҳамият касб этиб боради. Режалаштириш асосини фермер хўжалигининг бизнес-режаси ташкил этади. Шунинг учун режалаштириш ва бизнес-режа фермер хўжалигини юритишда муҳим аҳамиятга эга.

Фермернинг бизнес-режаси- корхона ишлаб чиқариш фаолиятини маълум бир муддат давомида амалга ошириш бўйича мавжуд имкониятлар, унинг мақсади ва бозор талабини мувофиқлаштирувчи, корхонанинг фойдалилик даражасини максимал даражада таъмин этиш борасида ишлаб чиқилган ёзма дастуридир.

Бизнес-режа тузиш ва уни амалга оширишнинг муҳимлиги шундаки, у олдиндан тузилагани боис ишлаб чиқарувчининг ўз имкониятларига ҳар томонлама баҳо беришини, қўйилган мақсадга эришиш кафолатини аниқ ҳисоб-китоблар асосида кўз олдига келтиришини таъминлайди, бу режа мувофақиятли амалга оширилиши эса корхонанинг ривожланиши ёки инкирозга юз тутишини белгилаб беради.

Фермернинг бизнес- режаси: уни ўз олдига қўйган мақсадлари ва бажараётган ишларини ҳар томонлама, иқир-чиқирларигача таҳлил қилишга ундайди, мавжуд имкониятларга баҳо бериш ва келажакка назар ташлашга мажбур қилади, фермер учун келгуси фаолияти давомида қўлланма сифатида хизмат қилади. Ундан тўғри ва малакали фойдаланиш корхонани самарали бошқариш ва кўзланган мақсадга эришишига реал имкониятлар туғдиради, яхши тузилган бизнес-режа биринчи навбатда хўжалик ходимлари учун, сўнгра корхона фаолияти билан қизиқувчи мижозлар ва жамоатчилик учун, корхонага молиявий маблағлар сарфлаб фойда қилишни кўзлаётган молиявий идоралар ва банклар учун режалаштирилган ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлиги ва даромадлилигини илмий асословчи асосий ҳужжат ҳисобланади, фермер учун режавий вазифаларни амалга оширилиши кутилаётган фаолият унга муваффақиятлар келтириши ёки хўжалик инкирозига сабаб бўлишини иқтисодий, ҳисоб-китоблар асосида кўрсатиб беради ва келажаги ноаниқ бўлган фаолиятдан воз кечиш лозимлигини кўрсатади.

Таъкидлаш жоизки, бизнес-режа ишлаб чиқиш бўйича республикамиз фермер хўжаликлари учун бугунги кунда аниқ тартибга туширилган тизим мавжуд эмас. Амалиётда бизнес-режа фермер

хўжаликлари томонидан асосан банк муассасаларидан кредит олиш ва турли тендерларда иштирок этиш мақсадида тузилмоқда, афсуски маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун ишлаб чиқарилаётгани йук. Шу сабабли маҳсулот ишлаб чиқариш учун бизнес-режалар тузиш борасида фермер хўжаликлари мутахассислари малакасини ошириш ута долзарб муаммолардан бири бўлиб хисобланади.

Фермер хўжаликлари бугунги кунда қишлоқ хўжалиги иқтисодиётида тўлиқ юридик шахс мақомидаги, тенг ҳуқуқли хўжалик юритиш субъекти сифатида фаолият юритмоқда. Фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, қисман, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва хизматлар кўрсатиш билан шуғулланадилар.

Фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш учун бизнес-режани республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан маъқулланган «..қишлоқ хўжалиги корхоналарининг бизнес-режаси шакллари тулдириш ва бизнес-режа тузиш бўйича услубий кулланма» асосида тузадилар. Бизнес-режа катъий ҳисоб-китобларга асосланган ҳужжат У мавжуд бозорлар ҳолатини яхши таҳлил қилиб ва ўз мақсадларини аниқ-равшан кўз олдига келтира оладиган фермер хўжаликлари раҳбарлари томонидан мустақил равишда ёки мутахассис ва маслаҳатчиларни жалб этган ҳолда ишлаб чиқилади.

Фермер хўжалиги бизнес-режасида: хўжаликнинг манзили, номи, бошлиғнинг исми-шарифи, ҳамда алоқа учун бошқа реквизитлари кўрсатилади, ишлаб чиқариш фаолиятининг мақсади ва вазифалари аниқ ва равшан, ҳамма тушунадиган тарзда ёритилади, хўжаликда ишлаб чиқариладиган маҳсулот ҳажми, турлари, уларни ишлаб чиқаришга кетадиган харажатлар, шунингдек, кутилаётган даромадлар миқдори кўрсатилади, унинг ишлаб чиқаришга жалб қилинган ўз ва сармоядорлар маблағлари миқдори, уларни қайтариш муддатлари ҳақида умумий ахборот берилади, фермер хўжалигининг таркиби, шунингдек, аъзоларининг малакаси, маълумоти, иш кучи билан таъминланганлик даражаси ҳам ёритилади.

1.2. Фермер хўжалигида бошқариш усулларида фойдаланишнинг назарий –услугий асослари.

Президентимиз И.Каримов Республика фермерлар кенгашининг ташкил этилиши масалаларига тўхталиб «Сўнгги йилларда қабул қилинган қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар фермер хўжаликлари ваколатларини сезиларли равишда кенгайтирди. Шу билан бирга, тан олиш керакки, фермерлик ҳаракатининг Фермер хўжаликлари уюшмаси шаклидаги ташкилий тўзилмаси қишлоқ хўжалигини ислоҳ этиш ва соҳада ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, фермерлар олдида турган вазифаларни ҳал этиш жараёнларига кучли таъсир кўрсата олмади.

Фермерлик ўзининг тарихий илдизларига эга бўлган хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш асосида Фермер хўжаликлари уюшмаси Ўзбекистон Фермерлари кенгашига, вилоят ва туманларда эса фермерлар кенгашларига айлантирилди, энг муҳими, ушбу тўзилмаларнинг ҳуқуқ ва ваколатлари жиддий равишда кенгайтирилди.» деб асослайди. (И.А.Каримов. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. Халқ сўзи. 18.01.2013 й)

Х.Комоловнинг асослашича «Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизациялаш жараёни саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ўртасидаги баҳо номуаносиблигининг кучайиши, жалб этилаётган ялпи инвестициялар таркибида аграр тармоқнинг улуши ва кириб келаётган янги техника воситалари миқдорининг камайиши шароитида амалга ошмоқда. Аграр соҳада ханузгача монопол корхоналар таъсири сақланиб қолаётганлиги, соғлом рақобат муҳитининг тўла шаклланимаганлиги мавзунинг долзарблигини янада оширади. Ушбу ҳолат, ўз навбатида, қишлоқ хўжалик корхоналари, шу жумладан, фермер хўжаликларини замонавий техника воситалари ва технологиялар билан таъминлашга хизмат қиладиган эркин бозорнинг шаклланишининг асосий тўсиқларидан бири бўлиб қолмоқда.» (Х.Х.Комолов «Фермер хўжаликларини

техника воситалари билан таъминлаш самарадорлигини ошириш йўллари» иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. Тошкент-2012 йил, 3-бет)

Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августда қабул қилинган фермер хўжалиги тўғрисидаги қонуннинг янги таҳририни 4-моддасида фермер хўжалигининг бошлиғи қуйидагича белгиланган. «Фермер хўжалигининг бошлиғи шу хўжаликнинг муассиси – фермеридир. 18 ёшга тўлган, қишлоқ хўжалигида тегишли малака ёки иш тажрибасига эга бўлган шахс фермер бўлиши мумкин.». (Ўзбекистон Республикасининг фермер хўжалиги тўғрисидаги қонуни. Янги таҳрири. Т. Ўзбекистон. 2004 й. 3-бет).

Президентимиз И.А.Каримов фермерлар фаолиятини тартибга солиш зарурлигига алоҳида тўхталиб қуйидагиларни эслатади «Мухтасар қилиб айтилганда, биз учун устивор вазифа бўлган фермерлик ҳаракатини ҳар томонлама ривожлантириш мақсадида мунтазам иш олиб бориш, бу соҳада таъсирчан ва самарали механизмларни қўллаш керак. Масалан, ўтган йили қарздор бўлиб қолган фермерлардан қарзлар ундириб олинади. Чунки фермер шартнома режасини бажармасдан, давлат манфаатига беписанд қарайдиган бўлса, бу албатта яхшиликка олиб келмайди. Ўзбекистон демократик тараққиётнинг янги босқичида Т.Ўзбекистон 2005 й. 74 бет»

Бошқаришнинг моҳияти, зарурлиги, усуллари ва иқтисодий самарадорлиги масалалари Ўзбекистонда М.Шарифхўжаев, Ё.Абдуллаев, С.Н.Усмонов, А.А.Абдуғаниев, С.Нозимов ва шу каби бошқа иқтисодчилар томонидан ўрганилган.

Аграр ислохотларни чуқурлаштириш жараёни бир қатор иқтисодчилар томонидан босқичларга бўлиб тавсифланади. (А.А.Абдуллаев, О.А.Шерматов, Г.М.Шодмонова. Аграр ислохотларни чуқурлаштириш ва қишлоқда хўжалик юритиш шакллари табақаланиши. Республика илмий-амалий анжуманининг мақолалар тўплами. АҚХИ. Андижон 2003 й. 147-150 бетлар).

Б.Т.Салимов, Б.Б.Беркинов ва бошқаларнинг билдирган фикр-мулохазаларига кўра «Самарали хўжалик юритиш рақобатли бозор муҳитида хўжаликнинг яшовчанлиги ва тараққиётини белгилаб берувчи энг асосий омиллардан бири ҳисобланади. Шу билан бирга ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган ресурслар чекланган характерга эга бўлиб, бу ҳолат улардан имкони борича унумли, самарали фойдаланишни талаб этади» (Дехқон ва фермер хўжаликлари иқтисоди. Ўқув қўланма. Тошкент 2004 й. 134 бет).

Абдурахмонов ва бошқалар бошқаришнинг моҳияти, зарурлиги ва самарадорлиги масалаларини ёритишган (Персонални бошқариш. Ўқув қўланма. Т. Шарқ 1998 й).

У.Парпиев, И.Соломовлар. Бозор иқтисодиётини моҳияти, зарурлиги, унга ўтиш қонуниятларини таҳлил этиб кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янги иқтисодий тизимда тутган ўрни ва аҳамиятини асослайдилар. (Бозор иқтисодиёти асослари ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш. Т., Шарқ. 1996 й).

Бошқаришнинг моҳияти, зарурлиги, усуллари ва иқтисодий самарадорлиги масалалари Ўзбекистонда М.Шарифхўжаев, Ё.Абдуллаев, С.Н.Усмонов, А.А.Абдуғаниев, С.Нозимов ва шу каби бошқа иқтисодчилар томонидан ўрганилган.

М.Шарифхўжаев, Ё.Абдуллаевлар бошқариш тизимини такомиллаштириш масалаларини талил қилиб уни натижаси самарадорликда ўз аксини топишини асослашган. (Менежмент. Тошкент. Ўқитувчи. 2001 й).

Ш.Зайниддинов ва бошқалар менежментни моҳияти ва зарурлигига тўхталиб уни самарали қўллаш масалаларини ёритади. (Менежмент асослари. Т. Молия – 2001 й.).

Юсупов М.Снинг кўрсатишича «Ҳар қандай корхонани, у йирик ёки кичик корхона бўлсин, бошқариш зарур. Ишлаб чиқаришни бошқариш меҳнатнинг ижтимоий хусусиятларидан келиб чиқади. Бошқариш алоҳида меҳнат фаолияти сифатида меҳнат тақсимооти, кооперацияси ва ишлаб

чиқариш кўламининг кенгайиши натижасида юзага келган. Бу жараён бошқарув субъектининг муайян бир натижага эришиш мақсадида бошқарув объектларига мақсадли таъсир ўтказиш билан боғлиқ фаолиятни акс эттиради». (Юсупов М.С. Қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятини бошқариш: Ўқув қўлланма. – Т.: “Адабиёт жамғармаси”, 2009 й , 17 б.)

Юсупов М.С.нинг асослашича «Корхонани бошқариш кенг камровли фаолият бўлиб, унинг таркибига қуйидаги элементларни киритиш мумкин:

- бошқарув механизми (умумий қонуниятлар, тамойиллар, мақсад ва вазифалар, усуллар);
- бошқарув таркиби (бошқарув органлари, мутахассис ходимлар, техник воситалар ва бошқа);

Бошқарув жараёни (қарорларни қабул қилиш ва амалга ошириш, бошқарув технологияси ва тартиби, ходимлар фаолиятини ташкил этиш») (Юсупов М.С. Қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятини бошқариш: Ўқув қўлланма. – Т.: “Адабиёт жамғармаси”, 2009 й , 18 б.)

Юсупов М.С.нинг исботлашича «Ҳар томонлама асосланганлик бошқарув қарорларини ишончли ва тўлиқ ахборотларга таянган ҳолда қабул қилиш заруриятини ифода этади. Қарор бошқариладиган объектнинг барча эҳтиёжларини, унга тегишли бўлган барча масалаларни тўлиқ қамраб олиши керак. Бунинг учун бошқариладиган объектнинг ва уни ўраб турган атроф-муҳитнинг ўзига хос хусусиятларини ҳамда ривожланиш қонуниятларини яхши билиш талаб этилади. Объектнинг моддий-техникавий ва меҳнат ресурслари салоҳиятини, табиий-иқлимий ва жуғрофий шарт-шароитларини, ривожланишнинг мақсадли функцияларини, корхонанинг, ҳудуднинг, мамлакатнинг ва жаҳон хўжалигининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболларини чуқур таҳлил этиш асосидагина бошқарув қарорларини самарадорлигини ошириш мумкин бўлади». (Юсупов М.С. Қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятини бошқариш: Ўқув қўлланма. – Т.: “Адабиёт жамғармаси”, 2009 й , 28 б.)

Юсупов М.С.нинг кўрсатишича «Бошқарув қарорларини қабул қилиш технологияси деганда корхона фаолиятига оид муаммолар ечимини топишга қаратилган тадбирларнинг таркиби ва амалга ошириш кетма-кетлиги тушунилади. Унинг таркибига муаммолар ечимини топишга оид муқобил вариантларни ишлаб чиқиш ва уларни оптималлаштириш тадбирлари ҳам киради. Раҳбар учун асосий мақсад қарорни қабул қилишнинг ўзи эмас, балки бошқарувга оид муаммолар ечимини топишдир». (Юсупов М.С. Қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятини бошқариш: Ўқув қўлланма. – Т.: «Адабиёт жамғармаси», 2009 й , 32 б.)

**II- БОБ. ХЎЖАОБОД ТУМАНИДАГИ “ХАБИБУЛЛО ЧОРБОҒИ”
ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ САМАРАЛИ БОШҚАРИШ
ТИЗИМИ АСОСИДА ЭРИШИЛГАН ИҚТИСОДИЙ
САМАРАДОРЛИК ВА МАҲСУЛОТ ЕТИШТИРИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИ ТАҲЛИЛИ.**

**2.1. Хўжаобод туманидаги “Хабибулло чорбоғи” фермер хўжалигининг
табiiй- иқтисодiiй ва ресурс имкониятлари.**

«Хабибулло чорбоғи» фермер хўжалиги Хўжаобод туманининг А.Набиев массивининг Бирлашган қишлоқ фуқаролар йиғинида жойлашган. Фермер хўжалиги вилоят марказидан 33 километр, туман марказидан 7 километр узоқликда жойлашган. Пахта тозалаш ва дон маҳсулотларини қабул қилиш корхоналари мос ҳолда 10 ва 15 километр узоқликда, туман ОАЖ ММТПсидан 3 км, Ўзкимё ташкилотидан 8 км, Пиллакашлик корхонасидан 11 км ва нефтбазадан эса 17 км узоқликда жойлашган.

Фермер хўжалигини ҳудудидан Андижон-Булоқбоши магистрал йўлига қадар бўлган масофа 2 километрни ташкил этади.

«Хабибулло чорбоғи» фермер хўжалиги 2006 йил 30 декабрда туман ҳокимининг 306-К сонли қарори асосида ташкил топди. Ўзбекистон Республика Президентининг 2009 йил 22 октябрдаги Фермер хўжаликлари тасарруфидаги ер участка майдонларини янада мақбуллаштириш чоратадбирлари тўғрисидаги Ф-3287 сонли фармойишига асосан вилоятимиз туманларида ҳам бир қатор ишлар олиб борилди. Ана шу фармойишга асосан «Хабибулло чорбоғи» фермер хўжалиги ерлари ўзгармай келмоқда.

Жами ер майдони 2014 йил учун 65,9 гектар этиб белгиланди. Унинг 59,7 гектари экин майдонига тўғри келади, қолган 6,2 гектаридан 0,54 гектари йўллар билан, 3,69 гектари сув иншоатлари билан, 1,8 гектари тутзорлар билан банд.

Фермер хўжалигига ер участкаси 49 йил муддатга ижара асосида фойдаланиш учун берилди. Ушбу ерларни суғоришда фермер хўжалиги оқова сулардан фойдаланиб келмоқда.

Фермер хўжалиги шимол томондан Акбар фермер хўжалиги билан, ғарб томонидан Қорабулоқ юлдузи фермер хўжалиги билан ва жануб томондан Кўприкбоши меҳнаткаши фермер хўжалиги билан, шарк томондан аҳоли яшаш пункти билан чегарадош хисобланади.

Хулоса килиб айтганда «Хабибулло чорбоғи» фермер хўжалигининг жойлашган ўрни ўта қулай бўлиб, келажакда бу имкониятлардан самарали фойдаланиш мумкин.

«Хабибулло чорбоғи» фермер хўжалигини жойлашган ҳудуднинг табиий-иклим шароити кескин континентал бўлиб, ёзи иссиқ, киши эса совуқдир. Ёз фаслида ҳаво ҳарорати +36 +40 даражагача кутарилса, киш фаслида -12 -18 даражагача пасайиши мумкин. Йиллик ёғин миқдори талаб даражасида бўлади ва суғориб дехкончилик қилинади. Фермер хўжалигини сув билан тامينланганлик даражаси талаб даражасидадир.

«Хабибулло чорбоғи» фермер хўжалиги тумандаги Хўжаобод агробанк бўлимида ўз ҳисоб рақамини очган бўлиб, банк ҳ\р 13101000404565679007, МФО 00042, солиқ тўловчининг ИНН 300109638 билан ўз операцияларини амалга ошириб келмоқда.

«Хабибулло чорбоғи» фермер хўжалиги ўзининг иқтисодий фаолиятини олиб боришда тумандаги Пахта тозалаш заводи, дон маҳсулотларини қабул қилиш корхонаси, туман ОАЖ ММТПси, Ўзкимё ташкилоти, пиллакашлик корхонаси, нефтбаза, ўсимликларни ҳимоя қилиш ва сувдан фойдаланувчиларнинг уюшмалари билан шартнома асосида иш юритади.

«Хабибулло чорбоғи» фермер хўжалиги 49 йил муддатга ижарага берилган ер участкасининг мелоратив ҳолати талаб даражасида бўлиб ер ости сувларидан 6-8 метр чуқурликда жойлашган, ерлари шурланмаган. ОАЖ МТПси ҳамда Ўзкимё ташкилоти, пиллакашлик корхонаси, нефтбаза шунинг

билан биргаликда ўсимликларни ҳимоя қилиш, сувдан исътемомчилар уюшмалари билан олиб боради.

1-жадвалда Хўжаобод туманидаги «Хабибулло чорбоғи» фермер хўжалиги 49 йил муддатга ижарага берилган ер участкасининг мелоратив ҳолати талаб даражасида бўлиб ер ости сувларидан 5-6 метр чуқурликда жойлашган, ерлари шўрланмаган. Тупроғи типик бўз-тупрок хисобланиб нисбатан олинганда тупрок унумдорлиги, фойдали элементлар ва гумус миқдори ўртача.

1-жадвал

Хўжаобод туманидаги «Хабибулло чорбоғи» фермер хўжалигини ижарага берилган ер участкаларини тупрок бонитет баллари

№	Ер участкалари		Бонитет баллари	Ер майдони га	Ўртача бонитет бали	Карталар сони
	Кадастр гуруҳлари	Синфлари				
1	1 кадастр гуруҳи	1 синф	0дан-10гача	-	-	-
		2 синф	11дан-20гача	-	-	-
2	2 кадастр гуруҳи	3 синф	21дан 30гача	-	-	-
		4 синф	31дан-40гача	-	-	-
3	3 кадастр гуруҳи	5 синф	41дан-50гача	-	-	-
		6 синф	51дан-60гача	-	-	-
4	4 кадастр гуруҳи	7 синф	61дан-70гача	65,9	62	6
		8 синф	71дан-80гача	-	-	-
5	5 кадастр гуруҳи	9 синф	81дан-90гача	-	-	-
		10 синф	91дан-100гача	-	-	-
	Жами	х	х	65,9	62	6

Хўжаобод туманидаги «Хабибулло чорбоғи» фермер хўжалигида ер участкасидан фойдаланиш ҳолати ҳам юқори даражада бўлиб йилдан-йилга экин экилади. Пахта ва буғдой ҳосилдорлиги ортиб бормокда. Фермер хўжалиги А.Набиев массивидаги илғор хўжаликлардан бири ҳисобланади.

Хўжаобод туманидаги «Хабибулло чорбоғи» фермер хўжалик ерлари А.Набиев массивида жойлашган. Хўжалик ерларида сизот сувлари 3-4 метр чуқурликда жойлашган. ерлари бўз тупроқлардан иборат бўлиб, тупроқда 0,8-1,2 фоизгача чиринди ва 0,5 фоизгача азот борлиги билан характерланади. Тупроқдаги чиринди микдори ўртача, экинлардан юқори ҳосил олиш учун ўғитлардан фойдаланиш зарур.

2-жадвалда «Хабибулло чорбоғи» фермер хўжалигини экин майдони ва уни таркиби берилган. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, охириги

2-жадвал

**Хўжаобод туманидаги «Хабибулло чорбоғи» фермер хўжалигини
экин майдонлари ва унинг таркиби**

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2012 й.		2013 й.		2014 й.		2014 й. 2012 й. га нисб, %
			мик- дори	%	мик- дори	%	мик- дори	%	
1.	Жами экин майдони	га	59,7	100	59,7	100	59,7	100	100,0
2	Шундан: -	га	31,8	53,2	27,9	46,8	30,7	51,4	96,5
	Пахта	га	31,8	53,2	27,9	46,8	30,7	51,4	96,5
	хосилдорлик	ц/га	32,4	х	33,6	х	34,9	х	107,7
	ялпи хосил	ц	1030,3	х	937,4	х	1071,4	х	103,9
	-Дон	га	27,9	46,8	31,8	53,2	29,0	48,6	103,9
	хосилдорлик	ц/га	60,2	х	62,1	х	63,3	х	105,2
	ялпи хосил	ц	1679,6	х	1974,8	х	1835,7	х	109,3
4	Ходимлар сони	нафар	26	100	26	100	26	100	100,0
	Шундан:	нафар	22	84,6	22	84,6	22	84,6	100,0
	пахтачиликда	нафар	22	84,6	22	84,6	22	84,6	100,0
	дончиликда	нафар	4	15,4	4	15,4	4	15,4	100,0
5	Ерни бонитет бали	балл	62	х	62	х	62	х	100,0

йилларда фермер хўжалигининг жами экин майдони ўзгармаган. Экин майдони 2012 йилда 59,7 гектарни ташкил қилган бўлса, 2014 йилда ҳам 59,7 гектарни ташкил қилган. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, «Хабибулло чорбоғи» фермер хўжалигининг экин майдони таҳлил

этилаётган 2012-2014 йилларда ўзгармаган. Хўжаликдаги пахта майдонлари 31,8 гектардан 30,7 гектаргача камайиб, 2014 йилда 2012 йилга нисбатан 96,5% ни ташкил қилган. Бугдой экилган майдонлар эса 27,9 гектардан 29,0 гектаргача ёки 103,9 фоизга ортган.

Жами экин майдонига нисбатан пахта майдонларининг улуши 53,2% дан 51,4% га камайган, ғалла майдонларининг улуши эса аксинча 46,8 % дан 48,6 % га ортган. Шу билан бир вақтда пахта ҳосилдорлиги 107,7 % га кўпайган, бугдой ҳосилдорлиги 105,2 % ортиши таъминланган.

Фермер хўжалигида пахта ҳосилдорлиги ўртача бўлиб, гектарига 34,9 центнерни ташкил этади, ғалла бўйича ҳам яхши кўрсаткичга эга, яъни 63,3 центнерни ташкил этади. Лекин, хўжаликда пахта ва ғалла ҳосилдорлигини янада кўтариш имкониятлари мавжуд. Фермер хўжалигида пахтани АН- 36 нави, бугдойни эса Крошка нави экилади. Жумладан, хўжаликка узок муддатга ижарага берилган ер участкасининг бонитет бали 66 ни ташкил этиб уни кутариш чора-тадбирларини куриш лозим. Яъни ер участкасининг мелоратив ҳолатини ошириш мумкин. Ундан ташкари хўжаликда самарали технологиялардан фойдаланиш имкониятлари ҳам бор.

3-жадвалда Хўжаобод туманидаги «Хабибулло чорбоғи» фермер хўжалигининг аъзолари ва уларнинг таркиби тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилган. Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, фермер хўжалигида жами 26 нафар ходимлар фаолият кўрсатиб улардан 4 таси бугдой етиштиришда, 22 таси пахта етиштиришда, 3 таси тракторчи, 6 таси сувчи ва 17 таси бошқа ишларда фаолият кўрсатиб келишмоқда Хўжаобод туманидаги «Хабибулло чорбоғи» фермер хўжалигида банд бўлган 26 нафар ходимнинг 11 нафарини эркаклар ва қолган 15 нафарини аёллар ташкил этади.

Хўжалик ходимларидан 1 таси олий, 9 таси ўрта-махсус ва 16 таси умумий ўрта маълумотга эгадир. Хўжалик аъзоларини ўртача ёши 34 ёшни ташкил этади. Ходимларнинг барчаси 1 йиллик меҳнат шартномаси асосида фаолият кўрсатиб келишмоқда. Фермер хўжалигида фаолият кўрсатаётган

**Хўжаобод туманидаги «Хабибулло чорбоғи» фермер хўжалигининг
аъзолари ва уларнинг таркиби тўғрисидаги маълумотлар**

№	Аъзоларнинг исми ва шарифи	Туғил- ган йили	Маълу -моти	Касби	Иш стажи	Бошлиққа аълоқаси
1	Каримов Р.	1963	Ўрта- махсус	ф/х бош- лиғи	28	ўзи
2	Каримова В.	1965	м/ўрта	ҳисобчи	22	тур. ўртоғи
3	Каримов П.	1984	т/олий	иктисодчи	10	ўғли
4	Шарипов С.	1986	м/ўрта	тракторчи	8	жияни
5	Каримов К.	1965	м/ўрта	тракторчи	31	укаси
6	Султонов Ж.	1974	м/ўрта	тракторчи	19	йўқ
7	Илёсов М.	1974	м/ўрта	сувчи	19	йўқ
8	Акбаров Н.	1975	м/ўрта	сувчи	18	йўқ
9	Назаров Ш.	1976	м/ўрта	сувчи	17	йўқ
10	Салимов Б.	1977	м/ўрта	сувчи	16	йўқ
11	Асқаров Д.	1972	ўрта	сувчи	21	йўқ
12	Каримов О.	1972	ўрта	сувчи	21	йўқ
13	Жўрабоева Ч.	1970	ўрта	аъзо	23	йўқ
14	Хусанова Х.	1969	ўрта	аъзо	24	йўқ

15	Расулов З.	1965	ўрта	аъзо	31	йўқ
16	Ўктамова Б.	1974	ўрта	аъзо	19	йўқ
17	Давронова С.	1974	ўрта	аъзо	19	йўқ
18	Усмонова М.	1976	ўрта	аъзо	17	йўқ
19	Валиева Ш.	1970	ўрта	аъзо	23	йўқ
20	Қосимова П.	1966	ўрта	аъзо	15	йўқ
21	Достонова Ҳ.	1975	ўрта	аъзо	18	йўқ
22	Рустамова Л.	1975	ўрта	аъзо	18	йўқ
23	Фозилова Н.	1966	ўрта	аъзо	30	йўқ
24	Ғаниева Г.	1974	ўрта	аъзо	19	йўқ
25	Обидова А.	1975	ўрта	аъзо	18	йўқ
26	Сатторова Х	1977	ўрта	аъзо	16	йўқ

ходимларнинг 24 фоизини олий ва ўрта махсус маълумотлилар қолган 76 фоизини умумий ўрта маълумотлилар ташкил этади.

Юқоридаги келтирилган маълумотлар фермер хўжалиги таркибини ҳали талаб даражасидан анча паст эканлигини асослайди. Шунинг учун ҳам фермер хўжалиги раҳбарияти касбий тайёргарликка ва ишлаб чиқариш тажрибасига эга бўлган ходимлар ҳиссасини кескин ошириш чора-тадбирларини кўриши лозим.

Бундан ташқари, фермер хўжалиги туман МТП билан шартнома тузиб техникалардан фойдаланади. Юқорида келтирилган маълумотлар «Ҳабибулло чорбоғи» фермер хўжалигини тумандаги иқтисодий жиҳатдан

ривожланган, йирик ва молиявий ҳолати нисбатан олинганда барқарор бўлган хўжалик эканлигини тўла асослайди.

Биз ўрганган Хўжаобод туманидаги «Хабибулло чорбоғи» фермер хўжалигида маҳсулотларни сотиш билан боғлиқ бўлган барча муносабатлар ҳамма талабларга жавоб бера оладиган даражадаги шартномалар асосида амалга оширилади.

Жумладан, Пахта тозалаш заводи билан, дон маҳсулотларини қабул қилиш корхонаси билан, фермер хўжалиги туман ОАЖ МТПсидан ҳамда Ўзкимё ташкилотлари билан биргаликда, Пиллакашлик корхонаси ҳамда , нефтбаза билан 1 йиллик шартномалар имзолаб ўз вақтида бажариб келишмоқда.

Шартномалар ҳар икки томоннинг эркин келишуви асосида тузилиши шарт. Шартномаларни тузишдан олдин томонлар бозорни (маркетинг масалаларини) мукамал ўрганишлари, хўжалик раҳбарлари, бош мутахассислар, менежерлар зарур воситаларни қаердан, қачон, қандай баҳоларда, қанча ва қандай усулларда олиш мумкинлигини, шунингдек, ўз маҳсулотларини фойдаси билан сотиш йўллари, хўжалик раҳбарлари, шунингдек, амалиётдаги қонун ва қоидаларни ҳам мукамал билишлари, улар асосида иш юритишлари керак.

2.2. “Хабибулло чорбоғи” фермер хўжалигида бошқариш усулларида фойдаланиш асосида эришилган иқтисодий самарадорлик ва уни таҳлили.

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлашда объектив иқтисодий қонунларнинг ва ҳукуқий-маъёрий ҳужжатларнинг талабларига мос келадиган иқтисодий кўрсаткичлар тизимидан фойдаланиш тавсия этилади. Иқтисодий самарадорлик охир оқибатда ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш даражасини ўзида акс эттиради. Ишлаб чиқариш самарадорлигини аниқлаш учун фойдаланиладиган кўрсаткичлар тизими турли хусусиятдаги иқтисодий самарадорликларни ўлчаш ҳамда ресурслар ва харажатларни баҳолаш асосида амалга оширилади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш хусусий ва умумий кўрсаткичлар асосида амалга оширилади.

Хусусий кўрсаткичларга маҳсулот сифати, меҳнат умумдорлиги, ер қайтими, маҳсулот таннарни ва шуларга тесқари кўрсаткичлар қиради. Шу билан бирга қишлоқнинг истеъмолини қондириш даражаси ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг фақат миқдориға эмас, балки сифатиға ҳам боғлиқ. Маҳсулот сифатини яхшиланиши бир томондан озиқ-овқат маҳсулотлари миқдорининг қўпайганини билдирса, енгил саноат учун қишлоқ хўжалик хом-ашёси сифатининг яхшиланиши аҳолининг кенг истеъмол буюмларига бўлган талабини тўлароқ қондириш имкониятини яратади. Меҳнат умумдорлиги вақт бирлиги ичида ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдориға сарфланган жами меҳнат харажатларининг самарадорлигини тавсифлайди. Ер қайтими қишлоқ хўжалигида бош ишлаб чиқариш воситаси ҳисобланган ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини акс эттиради. Фонд қайтимини қишлоқ хўжалигига тааллуқли асосий ишлаб чиқариш воситаларида муҳассамлашган, буюмлашган меҳнат харажатларидан қай даражада самарали фойдаланаётганини кўрсатади. Материал қайтимида

барча турдаги моддий ресурслардан, шу жумладан буюмлашган меҳнат харажатларидан фойдаланиш самарадорлиги акс эттирилади. Махсулот таннархи умумлашган ҳолда жами истеъмол қилинган ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини тавсифлайди ва қишлоқ хўжалиги махсулоти қандай даражадаги харажатлар ҳисобига ишлаб чиқарилганлигини кўрсатади.

Алоҳида ресурслар ва харажатларни тавсифлайдиган бу кўрсаткичлар ишлаб чиқариш самарадорлигининг асосий кўрсаткичларидир. Масалан асосий фонд қайтимида, алоҳида трактор, комбайн, махсулдор хайвонлар, айланма фонд қайтимида эса алоҳида уруғдан фойдаланиш бўйича ҳам ўрганилади. Демак, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари бир томондан ишлаб чиқариш ресурслари ва самара (натижа) ўртасидаги нисбатни бошқа томондан эса жорий ишлаб чиқариш харажатлари билан самара ўртасидаги нисбатни ифодалайди. Бу ишлаб чиқариш самарадорлигининг икки концепсиясини яъни ресурс ва харажат концепсиясини вужудга келтиради. Ресурс концепсияси – такрор ишлаб чиқариш жараёнида қўлланилган ишлаб чиқариш ресурсларининг истеъмол қилинган қисми самарадорлигини баҳолашга имкон беради. Мақсадга қараб ресурс ёки харажатлар концепсияларидан алоҳида ёки икковидан ҳам бир вақтда фойдаланиш мумкин.

Қабул қилинган самарадорлик концепсияларига мос равишда кўрсаткичлари ҳам аниқланади: 1 ходимга 1 киши соатига 1 га қишлоқ хўжалигига ярокли ерга, 100 сўмлик асосий воситага 100 сўмлик айланма воситаларга воситаларга тўғри келган самара қўлланилган ресурсдан фойдаланиш самарадорлиқни тафсиялайди. 100 сўм иш вақтига, амортизация ажратмасига, моддий айланиш воситаларига ҳамда махсулот таннархига тўғри келган махсулот таннархига киритилган барча бевосита ва билвосита харажатлар самарадорлигини ифодалайди. Келтирилган хусусий кўрсаткичлар умумий самара (натижа)ни алоҳида ишлаб чиқариш ресурсларининг харажат турлари миқдориغا нисбатини аниқлайди.

Хўжалик ишлаб чиқаришларининг иқтисодий самарадорлиги охириги уч йилликда қандай бўлганлигини билиш мақсадида **4 – жадвал** маълумотлари келтирилган. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, охириги уч йилда хўжалик экин майдонининг кескин яъни 2012 йилдаги 59,7 гектарни, 2014 йилда ҳам 59,7 гектарни ташкил қилиб ўзгармаганлиги кузатиляпти. Пахта майдонлари кузатилаётган вақт ичида 1,1 гектарга ёки 96,5% га камайган бўлса, буғдой майдонлари эса, 1,1 гектарга ёки 103,9% га қадар ортганлигини кўриш мумкин.

4- жадвал

Хўжаобод туманидаги «Хабибулло чорбоғи» фермер хўжалигини иқтисодий самарадорлиги

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирли -ги	2012 й.	2013 й.	2014 й.	2014йилда 2012 йилга нисбатан, %
1	Экин майдони	га	59,7	59,7	59,7	100,0
	а) пахта	га	31,8	27,9	30,7	96,5
	б) буғдой	га	27,9	31,8	29	103,9
2	Ишлаб чиқариш харажатлари	м.с	107573,6	124244,1	140989,4	131,1
	шундан: иш ҳақи	м.с	23318,5	24705,0	30380,9	130,3
3	Ходимлар сони	нафар	26	26	26	100,0
4	Ялпи маҳсулот	м.с	130231,3	154899,7	177681,3	136,4
5	Фойда	м.с	22657,7	30655,7	36691,9	161,9
6	1 га ҳисобига: а) ялпи маҳсулот	м.с	2181,4	2594,6	2976,2	136,4
	б) фойда	м.с	379,5	513,5	614,6	161,9
7	1 ходим ҳисоби га: а) ялпи маҳсулот	м.с	5008,9	5957,7	6833,9	136,4
	б) иш ҳақи	м.с	896,9	950,2	1168,5	130,3
8	Рентабеллик	%	21,1	24,7	26,0	+4,9

Сўнгги уч йилликда жами ишлаб чиқариш харажатлари 131,1% га ортган бўлса, иш ҳақи харажатлари асосан пахта майдонлари ортиши эвазига

130,3% га қадар кўпайган . Ялпи маҳсулот эса шу вақт мобайнида 136,4% га ўсган. Ялпи маҳсулот ўсишининг ишлаб чиқариш харажатларининг ўсишига нисбатан тезроқ бўлиши эвазига маҳсулот етиштиришдан олинган фойданинг 161,9% га ёки 1,7 мартага яқин кўпайиши кузатиляпти.

Кузатилаётган даврда фермер даромади 165,4% га ёки 1,6 мартадан ортиқ кўпайиши маълум маънода «Хабибулло чорбоғи» фермер хўжалиги аъзоларининг моддий манфаатдорлиги даражасини яхшиланишига кўмаклашган десак янглишмаган бўламиз.

2012-2014 йиллар мобайнида юқоридагилар натижасида иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларидан бўлган 1 гектар экин майдони ва 1 ходим ҳисобига олинган ялпи маҳсулот, фермер даромади, иш ҳақини ҳам ортганлигини кўриш мумкин. Жумладан, 1 гектар экин майдони ҳисобига тўғри келган ялпи маҳсулот 136,4% га, фойда 161,9% га ортган бўлса, 1 ходим ҳисобига тўғри келган ялпи маҳсулот 136,4% га кўпайган, иш ҳақи эса, 130,3% га қадар кўпайган.

«Хабибулло чорбоғи» фермер хўжалиги ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлиги тадқиқот даври мобайнида маълум даражада яхшилانган дейиш мумкин. Буни биз самарадорликнинг асосий иқтисодий кўрсаткичи бўлган рентабеллик даражасидан ҳам яққол кўришимиз мумкин. Хўжаликнинг рентабеллик даражаси 21,1% дан 26,0% га ёки +4,9 % га кўтарилган. Лекин, рентабеллик даражасини янада оширилсагина хўжалик жадал ривожланиши учун етарлича молиявий имкониятларга эга бўлади.

Хўжалик ишлаб чиқаришининг асосларидан бири бўлган пахта етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини сўнгги йиллардаги ҳолати юқоридаги **5 – жадвал** маълумотларида акс эттирилган.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, охириги уч йилда хўжаликнинг пахта майдонлари ўзгариб турган яъни 2012 йилдаги 31,8 гектардан 2014 йилги 30,7 гектарга камайиши кузатиляпти. Тадқиқот даври мобайнида пахта етиштириш харажатлари 131,4% га, шу жумладан, иш ҳақи харажатлари 131,9% га кўпайган бўлса, ялпи маҳсулот 133,7% га ўсган. Шу

**Хўжабод туманидаги «Хабибулло чорбоғи» фермер хўжалигида пахта
етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги**

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирли- ги	2012 й.	2013 й.	2014 й.	2014 йилда 2012 йилга нисбатан, %
1	Экин майдони	Га	31,8	27,9	30,7	96,5
2	Хосилдорлик	ц/га	32,4	33,6	34,9	107,7
3	Ялпи хосил	ц	1030,3	937,4	1071,4	104,0
4	Ишлаб чиқариш харажатлари	м.с	67176,9	70636,1	88275,1	131,4
	шундан: иш хаки	м.с	19682,8	20201,9	25952,9	131,9
5	Ходимлар сони	нафар	22	22	22	100,0
6	Ялпи маҳсулот	м.с	76393,1	80802,6	102150,1	133,7
7	Фойда	м.с	9216,2	10166,5	13875,0	150,6
9	1ц пахтани таннархи	сўм	65200	75350	82390,0	126,4
10	1ц пахтани сотиш баҳоси	сўм	74145	86195	95340,0	128,6
11	1 га ҳисобига: а) ялпи маҳсулот	м.с	2402,3	2896,2	3327,4	138,5
	б) фойда	м.с	289,8	364,4	452,0	155,9
12	1 ходим ҳисобига: а) ялпи маҳсулот	м.с	3472,4	3672,8	4643,2	133,7
	б) иш хаки	м.с	894,7	918,3	1179,7	131,9
13	Рентабеллик	%	13,7	14,4	15,7	+2,0

билан биргаликда, 1 центнер пахтани сотиш баҳосининг ўсиши (128,6%) ни 1 центнер пахта таннархининг ўсиши (126,4%) га нисбатан тезроқ бўлганлагини кўриш мумкин. Пахта майдонларининг камайишига қарамай маҳсулот етиштиришдан олинган фойдани 150,6% гача ёки 1,5 мартага кўпайиши юз берган.

Кузатилаётган даврда фермернинг пахта етиштиришдан олган даромади 151,8% гача ёки 1,5 мартадан зиёд кўпайиши содир бўлган. Аммо, маълум маънода «Хабибулло чорбоғи» фермер хўжалиги аъзоларининг моддий манфаатдорлигини яхшиланишига кўмаклашишини таъкидласак муболаға бўлмайди.

Охирги уч йилликда юқоридагилар натижасида иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларидан бўлган 1 гектар экин майдони ва 1 ходим ҳисобига олинган ялпи маҳсулот, фермер даромади, иш ҳақини ҳам ортганлигини кўриш мумкин. Жумладан, 1 гектар пахта майдони ҳисобига тўғри келган ялпи маҳсулот 138,5% га ортган бўлса, фойда 155,9% га кўпайган, 1 ходим ҳисобига тўғри келган ялпи маҳсулот 133,7% га, иш ҳақи 131,9% га ортган.

Хўжаликда пахта етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги 2012-2014 йиллар мобайнида маълум даражада яхшиланган дейиш мумкин. Буни биз самарадорликнинг якунловчи иқтисодий самарадорлик кўрсаткичи бўлган рентабеллик даражасидан ҳам яққол кўришимиз мумкин. Хўжаликнинг пахта етиштиришдаги рентабеллик даражаси 13,7% дан 15,7% га ёки +2,0% га кўтарилган. Ўсиш яхши, лекин, хўжаликда пахта етиштириш рентабеллигини оптимал даража 35 – 40% га етказиш керак.

«Хабибулло чорбоғи» фермер хўжалигининг сўнгги уч йилликда пахта етиштиришга сарфлаган ҳаражатларидаги таркибий ўзгаришларни 7 – жадвал маълумотлари орқали аниқлаш мумкин. Жадвал маълумотлари асосида ҳаражатлардаги таркибий ўзгаришларни янада яхшилаш ҳисобига балки, пахта етиштириш иқтисодий самарадорлигини ошириш мумкин бўлар.

6 – жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, хўжаликда пахта етиштиришга сарфланган моддий ҳаражатларнинг улуши 2012 йилдаги 57,4% дан 2014 йилги 59,2% га ёки 1,8 %га ортганига мос ҳолда уруғлик, ўғитлар, кўрсатилган иш ва хизматларнинг ҳиссасини ҳам ортганини кўришимиз мумкин. Ҳаражатларнинг бу турлари пахта ҳосилдорлигига бевосита таъсир этишлигини ҳисобга олсак, ушбу ҳолатни ижобий деб

6- жадвал

Хўжабод туманидаги «Хабибулло чорбоғи» фермер хўжалигида пахта етиштириш ҳаражатлари ва уларнинг таркиби

№	Ҳаражатлар тури	2012 йил		2013 йил		2014 йил	
		м.с	%	м.с	%	м.с	%
1	Моддий ҳаражатлар	33319,7	49,6	35812,5	50,7	45285,1	51,3
	а) уруғлик	6247,4	9,3	6074,7	8,6	7150,3	8,1
	б) ўғитлар	8329,9	12,4	8900,1	12,6	12976,4	14,7
	в) Ё.М.М	7187,9	10,7	8264,4	11,7	11564,0	13,1
	г) иш ва хизматлар	6986,4	10,4	5368,3	7,6	8121,3	9,2
	д) бошқа моддий ҳаражатлар	6583,3	9,8	7204,9	10,2	7591,7	8,6
2	Меҳнат ҳақи ҳаражатлари	20824,8	31	20978,9	29,7	25952,9	29,4
3	Ижтимоий ажратмалар	4998,0	7,4	5244,7	7,4	6488,2	7,4
4	Асосий воситалар ва номоддий активлар эскириши	4433,7	6,6	6286,6	8,9	5031,7	5,7
5	Бошқа ҳаражатлар	1612,2	2,4	2260,4	3,2	3354,5	3,8
	Жами ҳаражатлар	67176,9	100	70636,1	100	88275,1	100

баҳолаш қийин. Моддий ҳаражатлар орасида ЁММ ва бошқа моддий ҳаражатлар улушининг камайиши кузатиляпти. Умуман олганда, хўжаликда яқин келажакда моддий ҳаражатларнинг улушини янада ошириш зарур. Чунки, ушбу ҳаражатлар пахта етиштириш ва унинг миқдорини оширишда ўта муҳим аҳамиятга эга.

«Хабибулло чорбоғи» фермер хўжалиги аъзолари ва шартнома асосида ишловчи ходимларнинг меҳнат ҳақи ҳаражатларининг улуши тадқиқот даврида 29,0% дан 29,5% га ошган. Ушбу ҳолатни давом эттириш

ходимларнинг моддий қизиқишини оширганлиги туфайли иқтисодий самарадорликни ўсишининг асосий омилларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Пахта етиштиришга бевосита алоқаси бўлмаган бошқа харажатлар улушини йилдан йилга камайтириб боришга эришиш лозим. Бу борада хўжаликдаги ҳолат қониқарли. Яъни бошқа харажатлар улуши ўрганилаётган вақт мобайнида 2,3% дан 1,7% га камайган. Лекин, ушбу харажатлар улушининг қисқаришига ҳаракатларни давом эттириш талаб этилади.

Пахта етиштириш иқтисодий самарадорлигини ўрганишда тайёрланаётган пахта хом-ашёсининг сифатини яхшилаш ҳолатини кўриб чиқиш ва тегишли ечимларни излаб топиш ўта долзарб вазифалар саналади. Шунинг учун, қуйидаги **7 – жадвалда** «Хабибулло чорбоғи» фермер хўжалигини 2012 – 2014 йилларда давлатга сотган жами пахтасининг навлар бўйича тақсимланишини кўриб чиқамиз. Жадвал маълумотларига кўра, охириги 3 йилда пахта хом- ашёсини тайёрлаш сифати яхшиланиб бормоқда.

Жумладан, 2012 йили жами етиштирилган 1030,3 центнер пахта хом-ашёсининг 74,5% и биринчи саноат навининг биринчи синфига, 7,2% и биринчи саноат навининг иккинчи синфига, 4,9% и биринчи саноат навининг учинчи синфига, 7,4% и иккинчи саноат навининг биринчи синфига сотилган бўлса, қолган 6% и иккинчи саноат навининг иккинчи синфига сотилган.

2014 йилда етиштирилган жами 1071,4 центнер пахта хом-ашёсининг 85,4% и биринчи саноат навининг биринчи синфига, 10,2% и биринчи саноат навининг иккинчи синфига, 4,4% и биринчи саноат навининг учинчи синфига, 7% и иккинчи саноат навининг биринчи синфига сотилган бўлса, қолган 4% и иккинчи саноат навининг иккинчи синфига сотилган.

Буларнинг барчаси ушбу хўжаликда етиштирилаётган пахта хом-ашёси сифатидаги ижобий ўзгаришларни ифодалайди. Бироқ, бу етарли эмас. Хўжаликда етиштирилаётган пахта хом-ашёсини 100% биринчи саноат навларига сотилишига эришиш зарур. Чунки, пахта хом-ашёсининг сифатини

**Хўжаобод туманидаги «Хабибулло чорбоғи» фермер хўжалигини
сотилган жами пахтани навлар бўйича тақсимланиши.**

Саноат нави	Синфи	2012 йил		2013 йил		2014 йил	
		миқдори ц	%	миқдори ц	%	миқдори ц	%
1	1	767,6	74,5	734,0	78,3	915,0	85,4
	2						
	3						
	Жами	767,6	74,5	734,0	78,3	915,0	85,4
2	1	74,2	7,2	114,4	12,2	109,3	10,2
	2						
	3						
	Жами	74,2	7,2	114,4	12,2	109,3	10,2
3	1	50,5	4,9	62,8	6,7	47,1	4,4
	2						
	3						
	Жами	50,5	4,9	62,8	6,7	47,1	4,4
4	1						
	2						
	3						
	Жами						
5	1	138,1	13,4	26,2	2,8		
	Жами	138,1	13,4	26,2	2,8		
Ҳаммаси		1030,3	100	937,4	100	1071,4	100

яхшилаш пахтанинг ўртача давлат харид баҳосини яъни пул даромадини ошишини таъминлайди. Бу эса, ўз навбатида иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини яхшиланишига олиб келади.

Хўжаобод туманидаги «Хабибулло чорбоғи» фермер хўжалигини пахта етиштириш иқтисодий самарадорлигининг мавжуд ҳолатига янада тўлиқроқ баҳо бериш мақсадида Хўжаобод тумани бўйича пахта етиштираётган фермер хўжаликларининг ўртача иқтисодий кўрсаткичлар билан хўжаликдаги иқтисодий кўрсаткичларни ўзаро таққослаймиз. Бу хўжаликни тумандаги фермер хўжаликлари орасида сўнгги йилда пахта етиштириш бўйича эгаллаган мақеини ифодалаб беради. Ана шу мақсадда кўйидаги 9 – жадвал маълумотларини келтираамиз.

8-жадвалда Хўжаобод туманидаги «Хабибулло чорбоғи» фермер хўжалигини Хўжаобод тумани билан 2014 йилги пахта етиштиришнинг солиштирма иқтисодий кўрсаткичлари акс эттирилган.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, «Хабибулло чорбоғи» фермер хўжалигида пахта етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги туманга нисбатан устун даражада юқоридир. Буни биз иқтисодий самарадорликнинг яқунловчи кўрсаткичи бўлган рентабеллик даражасидан яққол кўришимиз мумкин. Фермер хўжалигини эришилган рентабеллик даражаси 2014 йили 14,0 фоизга тенг бўлиб, у туманга нисбатан +5,8 даражага юқоридир. Ундан ташқари, фермер хўжалигининг бошқа хусусий кўрсаткичлари ҳам туманга нисбатан анча юқоридир. Жумладан, фермер хўжалигида пахта ҳосилдорлиги 103,6 фоизга, бир гектар ҳисобига олинган ялпи маҳсулот 105,8 фоизга ва фойда ҳажми 170,6 фоизга юқоридир. 2014 йилда фермер хўжалигида 1 центнер пахта хом-ашёсини ўртача таннархи 80 200 сўмни, Хўжаобод туманида эса 82 790 сўмни ташкил этади. Бу «Хабибулло чорбоғи» фермер хўжалигида пахта хом-ашёсини етиштириш таннархи кузатилаётган йилда тумандаги ўртача кўрсаткичдан 3,1 (100% – 96,9%) фоизга кам бўлганлигидан далолат беради.

**Хўжаобод туманидаги «Хабибулло чорбоғи» фермер хўжалигини
Хўжаобод тумани билан пахта етиштиришнинг солиштирма иқтисодий
кўрсаткичлари (2014 йил)**

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Хўжаобод тумани бўйича ўртача	«Хабибулло чорбоғи» фермер хўжалиги бўйича	Фар- қи, %
1	Экин майдони	га	2762	30,7	х
2	Ҳосилдорлик	ц/га	30,2	34,9	115,6
3	Ялпи ҳосил	ц	83450	1071,4	х
4	Ишлаб чиқариш ҳаражатлари	м.с	6133000	88275,1	х
5	1 центнер пахтани таннархи	сўм	73490	82390,0	112,1
6	1 центнер пахтани сотиш баҳоси	сўм	77580	95340,0	122,9
7	Ялпи маҳсулот	м.с	6474000	102150,1	Х
8	Фойда	м.с	341000	13875,0	Х
9	1 гектар ҳисобига: а) ялпи маҳсулот б) фойда	м.с м.с	2343,9 123,5	3327,4 452,0	141,9 365,9
10	Рентабеллик	%	5,6	15,7	+10,1

Фермер хўжалигида 1 центнер пахта хом-ашёсини сотиш баҳоси 91 400 сўмни ташкил этган бўлса, туманида 1 центнер пахта хом-ашёсини ўртача сотиш баҳоси 89 600 сўмни ташкил этади.

Хулоса қилиб айтилганда, Хўжаобод туманидаги «Хабибулло чорбоғи» фермер хўжалиги тумандаги илғор хўжаликлардан бўлиб, у ўзининг иқтисодий жиҳатдан ривожланишини таъминламоқда. Лекин, фермер хўжалигини пахта етиштириш иқтисодий самарадорлиги ҳали оптимал даража (30 – 40%) дан анча паст бўлиб, уни кўтариш чораларини кўриш лозим.

«Хабибулло чорбоғи» фермер хўжалигининг асосий давалат буюртмасига етиштирадиган маҳсулотидан бири – бу буғдойдир. 2012 – 2014 йилларда хўжаликда буғдой етиштириш иқтисодий самарадорлигини 10 – жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкин.

9 – жадвалда Хўжаобод туманидаги «Хабибулло чорбоғи» фермер хўжалигида буғдой етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги акс эттирилган. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, фермер хўжалигида сўнгги уч йил мобайнида буғдой майдонлари 27,9 гектардан 29,0 гектарга ёки 103,9% га ортган, буғдой ҳосилдорлиги 60,2 центнердан 63,3 центнерга қадар ёки 105,1% га ошган. Натижада, буғдой ялпи ҳосили кузатилаётган даврда 701,12 центнерга ёки 109,3% га кўпайган.

Хўжаликда 2014 йилда 1 центнер буғдойни етиштириш таннархи 2012 йилга нисбатан 3100 сўмга ёки 112,3 фоизга кўпайган. Бу тадқиқот мобайнида жами буғдойни етиштириш ҳаражатларини 130,5% га , шу жумладан, иш ҳаққи ҳаражатларини 121,8% га оширган. Шунингдек, 2014 йилда 1 центнер буғдойни давлатга сотиш баҳоларини 2012 йилга нисбатан 5000 сўмга ёки 113,8 фоизга ортиши кузатиляпти. Бу эса, охириги уч йиллик мобайнида давлатга сотилган буғдой ялпи маҳсулотини 140,3% га кўпайишини таъминлаган.

«Хабибулло чорбоғи» фермер хўжалигида буғдой етиштириш таннаrxини ўсишининг уни давлатга сотиш баҳосини ўсишидан устун дара-

Хўжабод туманидаги «Хабибулло чорбоғи» фермер хўжалигида бугдой

етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги

№	Курсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2012 й.	2013 й.	2014 й.	2014 йилда 2012 йилга нисбатан, %
1	Экин майдони	га	27,9	31,8	29	103,9
2	Ҳосилдорлик	ц/га	60,2	62,1	63,3	105,1
3	Ялпи ҳосил	ц	1679,58	1974,78	1835,7	109,3
4	Ишлаб чиқариш хара- жатлари	м.с	40396,8	53608,0	52714,3	130,5
	шундан: иш ҳақи	м.с	3635,7	4503,1	4428,0	121,8
5	Ходимлар сони	нафар	4	4	4	100,0
6	Ялпи махсулот	м.с	53838,3	74097,1	75531,2	140,3
7	Фойда	м.с	13441,5	20489,1	22816,8	169,7
8	1ц бугдойни таннархи	сўм	24051,7	27146,3	28716,2	119,4
9	1ц бугдойни сотиш баҳоси	сўм	32054,6	37521,7	41145,7	128,4
10	1 га ҳисобига: а) ялпи махсулот	м.с	1929,7	2330,1	2604,5	135,0
	б) фойда	м.с	481,8	644,3	786,8	163,3
11	1ходим ҳисобига: а) ялпи махсулот	м.с	13459,6	18524,3	18882,8	140,3
	б) иш ҳақи	м.с	908,9	1125,8	1107,0	121,8
12	Рентабеллик	%	33,3	38,2	43,3	+10,0

жада бўлишлиги 2012 – 2014 йилларда ушбу маҳсулотни етиштиришдан фойда олишни 169,7% га кўпайтирганлигини кўришимиз мумкин. Оқибатда, «Хабибулло чорбоғи» фермер хўжалиги раҳбари ва аъзоларининг оладиган даромадни 142,8% га, 1 гектар буғдой майдони ҳисобига олинган ялпи маҳсулотни 161,7% га ва фермер даромадини 161,7% га ошириш рўй берган. Буғдой етиштириш рентабеллиги 2012 йилда 43,7 фоиз бўлган бўлса, 2014 йилда бу кўрсаткич 45,6 фоизга етказилган яъни 2012 йилга нисбатан 2014 йилда +1,9 даражага юқоридир. Бу яхши натижа, лекин, оптимал даража (60-70%) дан анча паст. Шунинг учун, ушбу хўжаликда буғдой етиштириш рентабеллигини янада ошириш чора – тадбирларини кўриш лозим.

Қуйида берилган **10 – жадвалда** Хўжаобод туманидаги «Хабибулло чорбоғи» фермер хўжалигини Хўжаобод тумани билан буғдой етиштиришнинг солиштирма иқтисодий кўрсаткичлари акс эттирилган. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, кузатилаётган охириги 2014 йилда фермер хўжалигини буғдой етиштириш бўйича иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари туман бўйича ўртача кўрсаткичларидан биров юқоридир.

Жумладан, буғдой ҳосилдорлиги хўжаликда тумандаги ўртача ҳосилдорликдан 5 ц/га ёки 108,6% га юқори. 1 центнер буғдой таннари 4023,8 сўм ёки 12,3% (100% – 87,7 %) га кўп бўлса, 1 центнер буғдой давлатга сотиш баҳоси 3134 сўм ёки 7,1% (100% - 92,9 %) га юқори.

1 гектар буғдой майдонига тўғри келган ялпи маҳсулот 23,2 минг сўмга ёки 100,9% га, фойда эса, 114,3 минг сўмга ёки 117,0% га кўпни ташкил қилмоқда. Натижада, буғдой етиштириш иқтисодий самарадорлик якунловчи кўрсаткичи бўлган рентабеллик даражасини фермер хўжалигида (43,3%) тумандаги ўртача (35,2%) га нисбатан +5,7 даражага юқорилигини кўришимиз мумкин. Демак, «Хабибулло чорбоғи» фермер хўжалиги тумандаги илғор хўжаликлардан бири экан деган хулосага келиш мумкин. Лекин, шунга қарамай хўжаликда ишлаётган ходимларнинг моддий манфаатдорлигини янада ошириш лозим.

Хўжаобод туманидаги «Хабибулло чорбоғи» фермер хўжалигини

Хўжаобод тумани билан буғдой етиштиришнинг солиштирма

иқтисодий кўрсаткичлари (2014 йил)

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	«Хабибулло чорбоғи» фермер хўжалиги бўйича	Хўжаобод тумани бўйича ўртача	Фар- қи, %
1	Экин майдони	га	29	2589	X
2	Ҳосилдорлик	ц/га	63,3	58,3	108,6
3	Ялпи ҳосил	ц	1835,7	150930	X
4	Ишлаб чиқариш ҳаражатлари	м.с	52714,3	4942000	X
5	1 центнер буғдойни таннари	сўм	28716,2	32740	87,7
6	1 центнер буғдойни сотиш баҳоси	сўм	41145,7	44280	92,9
7	Ялпи маҳсулот	м.с	75531,2	6683000	X
8	Фойда	м.с	22816,8	1741000	X
9	1 гектар ҳисобига:				
	а) ялпи маҳсулот	м.с	2604,5	2581,3	100,9
	б) фойда	м.с	786,8	672,5	117,0
10	Рентабеллик	%	43,3	35,2	+8,1

2.3. Фермер хўжалигида пахта ва ғалла етиштириш технологияларининг ҳозирги ҳолати.

Буғдой энг кўп таркалган асосий донли экинларидан бири ҳисобланади. Бутун дунё халқларининг ярмидан кўпроғи озик-овкат сифатида буғдой нонидан фойдаланади. Буғдой ноннинг таркибида оксил ва крахмал кўп, оксил молдалар асосан клейковина таркибида булганлиги учун унинг ундан сифатли нон тайёрланади. Буғдой нони узининг таъми, туйимлилиги ва хазм булиши билан юқори баҳоланади. Буғдой донининг таркибида унинг навига, экиш шароитига қараб 11,0% дан 18-19% гача оксил моддаси булади.

Буғдой нонидаги оксилни хазм булиши 95% ни ташкил қилади. Бундан ташқари, буғдой донидан ёрма тайёрланади, унинг уни макарон ва кондитер саноатида ишлатилади. Буғдойнинг сомони ва похоти ем-хашак сифатида чорва молларига берилади, янчишдан чиққан чиқиндилари юқори сифатли озуқа ҳисобланади. Техникада буғдой донидан спирт, крахмал, клейковина, декстрин, клей ва бошқа ҳар хил маҳсулотлар олинади.

Буғдой донининг сифати, яъни таркибидаги оксил, клейковина унинг навига буғдой етиштирилаётган минтақанинг тупроқ-иқлим шароитига қараб ўзгаради.

Буғдой энг қадимги маданий ўсимликлардан ҳисобланади. У Мисрда эрамыздан 6000 йил олдин экилган, бу даврда Мисрда сўриладиган деҳқончилик ривожланган. Кавказ ортида, Украинада, Европа ва Осиёда буғдой эрамыздан 4000 йил олдин экилган. Буғдойнинг келиб чиқиши ва унинг биринчи экилган минтақалари туғрисида аниқ бир маълумот йўқ.

Ҳозирги вақтда буғдой бутун Ер юзиде узининг экин майдони бўйича бошқа экинлар орасида биринчи ўринда туради. Унинг ер юзидеги жами экилаётган майдони 225 млн. гектарни (ФАО, 2012) ташкил қилади.

Буғдойни кўп экадиган мамлакатларга Россия, Хитой, Америка Қўшма Штатлари, Ҳиндистон, Канада, Аргентина, Франция ва бошқа бир қатор мамлакатлар қиради.

Буғдойнинг биологик хусусиятлари: буғдой умуман донли экинлар биологик хусусиятларига кура кузги ва бахорги шаклларга булинади.

Кузги буғдой кузда экилиб, кишлаб чиккандан кейин келаси йили ҳосил беради. Бахорги буғдой эрта баҳорда экилиб, уша йули ҳосил беради. Кузги буғдойнинг бахоргилардан фарқи шундаки, уларнинг биринчи бошланғич ривожланиш даври паст (00 дан 100 гача) ҳароратда 30-65 кун давом этади. Бахорги буғдой эса бошланғич ривожланиш даврини 5-100 ва ундан юқори ҳароратда 7-12 кун, яъни тез муддат ичида утади.

Демак, биологик жихатдан кузги навларини баҳорда экиш мумкин эмас, чунки баҳорда у талаб қилган ҳарорат булмаганлиги сабабли ўсимликлар факат тупланади, бошок чиқармайди ва ҳосил бермайди. Буғдой кузда экилганда, унинг биологик кузги навлари ишлатилиши керак. Биологик бахорги навларни ҳам кузда экиб булмайди, чунки улар кўпроқ иссиқ ҳароратга талабчан булганлиги учун кишги совуқлар натижасида нобуд булади. Лекин киш юмшок келадиган минтакаларда навларнинг учинчи тури ярим кузги навлари учрайди. Бу навларни кузда ва баҳорда экиш мумкин, икки ҳолда ҳам улардан нормал дон ҳосили олинади. Ярим кузги навларни кеч кузда экиш керак. Эртаги муддатларда биологик кузги навлар экилиши керак. Ярим кузги навларнинг кишга чидамлилиги бахорги навларга нисбатан юқори булади. Шунинг учун Ўзбекистоннинг лалми ва суюриладиган ерларида кузги муддатда экиш учун биологик ва ярим кузги навлардан фойдаланиш керак.

Умуман, Ўзбекистоннинг барча вилоятларида буғдой кузда экилиши керак. Чунки улар кузги кишги, бахорги ёғнарчиликлардан тула фойдаланади. Баҳорда эрта уса бошлайди, бахорги экинларга нисбатан 10-12 кун эрта пишади, шунинг учун кузги буғдойнинг гуллаш даври ёзги иссиқ гармсел шамолларга дуч келмайди ва улар бахоргига нисбатан юқори (25-30%) ва муттасил ҳосил беради.

Кузги буғдойни етиштириш технологияси: Алмашлаб экишдаги урни. Кузги буғдой тупрокнинг унумдорлигига, бегона ўтлардан тоза ва нам билан

яхши таъминланган тупрокларга талабчандир. Баркарор мул хосил олиш учун кузги буғдойни алмашлаб экишда туғри жойлаштириш мухим ахамиятга эга.

Кузги буғдой суюриладиган ерларда эртаги экинлардан бушаган ерларга келаси йили такрорий экин сифатида экилиши керак. Хозирги вақтда Ўзбекистон «Ғалла» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан ишлаб чиқилган тавсияга кура буғдойни ушиб турган, лекин, пахтаси териб олинган ғўза орасига экиш усули кулланилиб, яхши самара бермокда. Бунда ресурс тежамкор технология хисобига иктисодий самарадорлик ошмокда. Кузги буғдойни лалми ерларнинг текислик ва дунгли текислик зоналарда тоза шудгорга, ундан юқорирок зоналарда тоза шудгордан ташқари, банд шудгорга экиш фойдали хисобланади.

Ерни ишлаш. Кузги буғдой экиладиган ерларни ундан олдин шу майдонда қандай экин экилганлиги ва даланинг бегона ўтлардан қай даражада тозалигига қараб ишланади. Буғдойни оптимал муддатда экиш ва ерни яхши ишлаш учун олдинги экиндан бушаган майдонлар суюрилади. Тупрок етилгандан сунг 4 ва 5 корпусли аедарма плуглар ёрдамида 25-30 см чуқурликда хайдаш керак, сунгра бороналанади ва мола бостирилади. Ерлар нотекис бўлса текисланади. Шудгорланган майдон оғр бороналар ёки зичлагичлар (катоклар) билан зичланиши керак, акс холда кузги-кишги шароитларда зичланнш натижасида буғдой майсалари ва ўсимликлари сийрақлашади ва нобуд булади. Шурланган ерларга кузги буғдой экишдан олдин тупрок шури ювилади.

Уялаш. Кузги буғдой ернинг унумдорлигига талабчан булади. Режалаштирилган хосилни олиш учун ерга солинадиган ўғитлар меъёри агрохимёвий картограмма маълумотларига асосан ерлардан хосил билан чиқиб кетадиганозик моддалар, экин узлаштирадиган озик элементлар ва ерга солинган ўғитмикдорига қараб аникланади. Кузги буғдой азотга жуда талабчан булади. У най ураш ва бошокланиш даврида азотни, ўсиш нинг дастлабки 1-5-хафтасида фосфорни ва усув даврининг бошидан гуллагунга

кадар, калийни кўп талаб килади. Фосфорли ва калийли ўғитлар кузги буғдойнинг кишга чидамлилигини оширади, доннинг етилишини тезлаштиради. Поянинг ётиб қолишидан ва турли замбуруғ касалликларидан саклайди.

Кўп микдорда азотли ўғитлар солинганда тупланиш муддати узайиб, поялардаги бошоклар бир вақтда етилмайди.

Ўзбекистон “Ғалла” илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси маълумотларига қараганда кузги донли экинларга суюриладиган ерларда қуйидаги микдорда ўғит берилиши керак: азот - 180 кг/га, фосфор — 90 ва калий 60 кг/га. Лекин, унумдорлиги паст бўлган тупроқларда бу микдор 10-15% га кўпайтирилади. Кўрсатилган йиллик микдор бир неча муддатларда — экишдан олдин ва ўсимликларнинг ўсиш даврида озиклантиришда берилади. Суюриладиган ерларда экишдан олдин 30 кг/га азот, 90 кг/га фосфор ва 60 кг/га калий берилади. Шу билан бир вақтда гектарига 10-12 т/ га гунг солинади.

Экиш даврида ўғит солинмаган майдонларда азот, фосфор ва калий киска муддат ичида экишдан кейин ёқимайса ҳосил қилганда, умуман ўғитлар феврал ойидан кечиктирилмасдан солиниши керак. қолган ўғитларни тенг иккига бўлиб, икки марта озиклантиришда солинади. Биринчи озиклантириш эрғаги муддатларда, яъни; ўсимликларнинг тупланиш даврида берилиши керак. Бу муддат ўсимликларнинг ривожланишига қараб кузги-кишки ёки кишки-бахори муддатларга туғри қелиши мумкин. Иккинчи озиклантириш ўсимликларнинг най ураш даврига туғри қелади. Озиклантиришдан кейин майдонларни суюриш зарур. Ўғитларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида уларни оптимал муддатларда, юқори сифатли ўтқазиш зарур.

Экиш муддати. Кузги буғдойни макбул муддатларда экиш катта аҳамиятга эга. Кузги буғдойни суюриладиган ерларда лалми ерларга нисбатан эртаги муддатларда экиш керак. Чунки бундай ерлар сув билан таъминланган бўлиб уруғ экилгандан сунг, суюриш натижасида майсаларни

ундириб олиш мумкин. Эртаги муддатларда экилган буғдой кузда майса хосил килади, совук тушгунга кадар ўсимликлар тупланиб улгуради. Бундай ўсимликлар совукка чидамли булади.Шунинг учун кузда буғдойнинг октябр ойида майсаланиши ва октябр, ноябр ойларининг охиригача упланиш ва шу ривожланиш даврида кишлаши кузда тутилиши керак.

Шуни хисобга олган холда кузги буғдойнинг экиш учун кулай муддатлари шимолий вилоятлар Қорақалпоғстон Республикаси, Хоразм вилояти) учун сентябр ойининг биринчи ва иккинчи ун кунлиги, марказий вилоятлар учун сентябрнинг сунги ун кунлик октябр ойининг бошлари ва жанубий вилоятлир учунэса октябрнинг иккинчи ун кунлиги хисобланади.

Уругни экишга тайёрлаш. Сифатли уруўлик юқори хосил етиштиришда энг мухим омиллардан бири хисобланади, уруўлик буғдой юқори хосилли уруғлик участкаларидан олинади. Асосан йирик, оғррок, текис, қобиғи шикастланмаган ва униб чиқиш даражаси юқори булган уруғлар экилади. Экиладиган уруўлик махсус Petrus дон тозалагич цехларида тозаланиб, сараланади ва дорилаб копланади. Сунгра фермер хужаликларига дон қабул қилиш шаҳобчалари орқали таркатилади..

Экиш учун ишлатиладиган буғдой уруўлари давлат андозасига жавоб бериши керак. Бу андоза буйича 1 класс уруўларнин унувчанлиги 95% дан паст булмаслиги, тозаллиги 99% булиши керак. Иккинчи класс уруўларнинг эса унувчанлиги 92% ва тозаллиги 98,5% булиши керак. Экиш учун 1 ва2 класс уруўларни ишлатиш керак. Тозаланган ва сараланган уруўлик экишдан олдин қорақуя ва фузариоз қасалликларига қарши 2 литр деразел 3 литр сувда эритилиб дориланади.

Экиш усуллари, уруг экиш меъёри ва чуқурлиги.Кузги буддой асосан тор қаторлаб даланинг бир томонга, яъни суюриш йулига қараб экилиши керак. Шундагина ўсимлик ёруўлик , сув ва озик моддалардан тенг фойдаланади. Бу усулда трактор ғлдираклари жойланиш масофасида 1-2 та сеялканинг сошниклари беркитиб, шу сошниклардан уруғ экилмайди.

Кейинчалик шу колдирилган каторлар оркали бугдой суғорилади. Уғит ва гербицид солинганда тракторнинг шу каторлардан юриши таъминланади.

Бундан ташқари, кузги бугдойни даланинг ҳам буйига, ҳам кундалангига караб икки марта экиш мумкин. Лекин, бу усулда ортикча урушлик ва ёнилTM мойлаш материаллари сарфланади, суғориш ва трактор юриши учун колдирилган эгатлардан даланинг кундаланига экилган ўсимликлар нобуд бўлади ва экиш кечиктириб юборилади. Бу усулни лалми ерларнинг текислик зоналарида куллаш мумкин.

Ўзбекистон “Ғалла” илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг олимлари томонидан ишлаб чиқилган ғўзапоя орасига ғалла экиш технологияси ҳам самарали усул ҳисобланади. Бу технология буйича ғўзапоя катор орасига ғалла экиладиган майдонларда пахта 1-2 марта терим машиналари ёрдамида териб олингандан сунг ғўза катор оралари культивациялар ёрдамида юмшатилади. Юмшатиладиган катор оралиғга НРУ-0,5 маркали осма уғит сепгичлар ёрдамида ғалла уруғи сепилади, сунгра уруғ культиватор ёки махсус мосламалар ёрдамида тупрокка кумилади. Бу усулнинг афзаллиги шундан иборатки, ғўзапоя ғалла майсаларини совукдан ва ётиб қолишдан ҳимоя қилади.

Уруғ экиш меъёри. Уруғ экиш меъёри уруғликнинг сифатига, тупрок унумдорлигига ва сув билан таъминланишига караб, ҳар хил бўлади. Лалми ерлар унумсиз ва сув билан таъминланмаганлиги сабабли гектарига сарф қилинадиган уруғ миқдори суюриладиган ерларга нисбатан кам бўлади. Уруғи экиш меъёри лалми ерларнинг шароитига караб ҳар хил бўлади. олди ва тоғли зоналарда кўпроқ, текислик ва дунгли текис зоналарда камроқ уруғ сарфланади. Шунга кура бундай ерларда бир гектар ерга 2,0-3,0 млн. дона, яъни 60-70 кг дан 120-125 кг гача уруғ сарфланади.

Суюриладиган ерларнинг унумдорлиги юқори ва сув билан таъминланганлиги сабабли, ўсимлик калинлигини ошириш ҳисобига юқори ҳосил олинади. Шунинг учун суюриладиган ерларда уруғ экиш меъёри лалми ерларга нисбатан икки баробар кўп, яъни гектарига 4-5 млн. дона уруғ

экилиши керак. Узбекистон <ғалла> илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси ва ТошДАУ тажриба станциясида ўтказилган тажрибаларга қараганда, гектарига экиладиган уруғ меъёри 3 млн. донадан 6 млн. донагача оширилиши билан буғдой ҳосили ҳам ошганлиги аниқланган.

Демак, кузги буғдойни экиш меъёри уруғликнинг сифат ҳамда экиш шароитига қараб 200-250 кг/ га бўлиши керак.

Кузги буғдой экиш чуқурлиги, унинг совуққа чидамли бўлишида катта аҳамиятга эга. Уруғ чуқурроқ экилганда тупланиш бўғини ҳам чуқурроқ жойлашади. Кузги - кишги совуқлар пояларга таъсир қилган вақтда ҳам тупланиш бўғинига таъсир қилмаса, ўсимлик нобуд бўлмайди. Шунинг учун ҳисобга олган ҳолда кузги буғдойнинг уруғи экиш вақтида 6-7 см га, лалми ерларда эрта экилганда эса 6-8 см га қумилиши керак.

Экинларни парвариш қилиш. Кузги буғдойни парвариш қилиш - бороналаш, озиклантириш ва суюришдан иборат. Кузги буғдой тупланиш даврида боронланади. Лекин, ўсимликларни тупланиш даври ҳам ҳар қил муддатга туғри қилиши мумкин. Кузги буғдой оптимал муддатда экилиб, намлик етарли бўлса, кеч қулагача ўсимликлар туплана бошлайди ва шу ҳолатда қишлайди, бундай вақтда эрта баҳорда, кечроқ экилганда ҳам баҳорда ўсимликлар тупланиш даврида янги бороналар билан бороналаш яхши самара бериши аниқланган. Бунинг натижасида тупроқ усти юмшатилади, Уғит солинади, ўсимликнинг илдиз буғзи етилади ва улар яхши тупланади. Юқорида айтиб қилингандек, экинлар икки муддатда озиклантирилади. Биринчи марта тупланиш даврида бороналашдан олдин ва иккинчи марта най ураш даври бошланганда озиклантирилади. Озиклантиришда экишдан олдин берилгандан сунг қолган уғитлар баробарига икки қисмга бўлиниб, икки марта берилади.

Кузги экинлар тупроқ-иқлим шароитига қараб 2-3 мартагача сугорилади. Ер ости сувлари юза жойлашган ерлар усув даврида 2 марта, ер ости сувлари чуқур жойлашган ерларда 3 мартагача сугорилади.

Кузги буғдой оптимал муддатда сентябр ойининг охири октябр ойининг бошларида экилганда, экишдан сунг сугорилади, бундан ташкари, ўсиш даврида буғдойни уч мартагача сугориш мумкин, Экин биринчи марта тупланиш даврида. иккинчи марта най ураш даврида ва учинчи марта бошокланиш даврида сугорилади. Сугориш меъёри тупрок мухитига караб, гектарига 700-800 м³ дан 1000-1200 м³/га ни ташкил этиши мумкин Буғдой экиш вақтида колдирилган эгатлар оркали сугорилади. Бу усул энг яхши усул хисобланиб, сув тежаб сарфланади. Ер бетида каткалок хосил булмайди васув бир текис таксимланади.

Кузги буддой хосилини йиғиб-териб олиш. Кузги буғдой хосилини йиғиб-териб олиш дон етиштириш ва унинг ялпи хосили оширишдаги энг сунгги ва энг маъсулиятли давр хисобланади. Урим йиғм ишларини уз вақтида ва киска муддатда тугаллаш, нобудгарчиликнинг олдини олиш, буғдойдан мул хосил етиштиришнинг асосий гаровидир. Кузги буғдой хосили олдин урилиб, кейин йиғиб олиниси асосий усул хисобланади. Бу усулда экинлар дони мум пишиклик даврида махсус уриш машиналарида ердан 15-20 см баландликда урилиб, куритиш учун анғзга йул-йул килиб ташлаб кетилади. Бу вақтда урилган буғдой ерга тукилмайди. Урилгандан бир неча кун утгандан сунг, доннинг кўришига караб, подборшчик урнатилган комбайнларда йиғилади ва янчилади.

Хосилни олдин уриб, кейин йиғиб олиш усулининг афзаллиги шундаки, у туғридан - туғри уриб янчишга караган уримни 5-6 кун эрта бошлашга имкон беради, такрорий экинлар учун ер очилади, нобудгарчилик кескин камаяди.

Мамлакатимизда хосил тула етилган майдонларда хосилни бир йула энг замонавий Кейс, Класс, Доминатор комбайнларида йиғиб олиш жорий этилган.

Хар бир минтақа учун нав танлаш, экиш муддатлари ва меъёрлари

- Хар бир минтақа учун навларни туғри танлаш, курғокчиликка мос навларни минтакалар буйича жойлаштириш.
- Эртапишар навлар: Чиллаки, Кума, Есаул.
- Уртапишар навлар: Бобур, Марс-1, Андижон-4, Жайхун, Яксарт, Матонат, Селянка, Туркистон, Муфтало навлари, Замин-1, Крошка, Таня, Память, Нота, Москвич, Андижон-2, Аср, Грация, Гром, Сила, Васса навлари.
- Урта кечпишар навлар: Краснодар-99, Половчанка, Андижон-1, Дурдона, Восторг навлари.

Экиш меъёрларини белгилаш

- Экиш меъёри уруғ унувчанлиги ҳамда 1000 дона дон вазнини ҳисобга олган ҳолда белгиланади
- Экиш муддатига қараб:
- Эрта муддатларда гектарига 4,5 млн. унувчан уруғ яъни 200-210 кг. ҳисобида белгиланади.
- Урта муддатларда гектарига 5,0 млн. унувчан уруғ яъни 220-230 кг. ҳисобида белгиланади.
- Кечки муддатларда гектарига 6,0 млн. унувчан уруғ яъни 240-250 кг. ҳисобида белгиланади.
- Ғўза қатор орасига экишда уруғ сарфи 10-15 фоизга ошириш тавсия этилади.

II- БОБ. ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИДА МАХСУЛОТ ЕТИШТИРИШНИ САМАРАЛИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.

3.1. Фермер хўжаликларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва тартибга солишнинг самарали бошқаришга таъсири.

Фермер хўжаликлари фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш заруриятини даставвал мамлакат иқтисодиётининг энг муҳим тармоқларидан бири - қишлоқ хўжалиги ва унинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ ҳолда қарамоқ мақсадга мувофиқдир.

Америкалик иқтисодчи — олимлар К.Р.Макконнел ва С.Л.Брю давлатнинг аграр соҳага фаол аралашуви заруриятини қуйидаги муаммоларга боғлайдилар:

- қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талабнинг ноэластиклиги;
- техник ривожланиш натижасида фермерлар маҳсулотларининг талабдан ошиқча ишлаб чиқарилиши;
- қишлоқ хўжалик ресурсларининг нисбатан иммобиллик хусусияти;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорида соф рақобат кураши ҳукм сурган ҳолда, унга ресурслар етказиб берувчи бозорларда монополия элементларининг мавжудлиги.

Фермер хўжаликлари манфаати томонидан ёндошсак, йил давомида маҳсулот етиштириш учун сарфланган харажатлар табиий офат ва қурғоқчилик туфайли бекорга совурилиши мумкин. Бундай пайтларда фермернинг кўрган зарарини қисман бўлсада қопламаслик келгуси йил ҳосилига ҳам таҳдид солади. Об-ҳавонинг ноқулай келиши нафақат қишлоқ хўжалиги тармоғида балки, бутун мамлакат миқёсида ҳам қийинчиликлар туғдириши мумкин. Озиқ-овқат танқислиги вужудга келмаслиги учун давлатнинг махсус заҳиралари бўлиши мақсадга мувофиқ. Ҳосил мўл бўлган йилларда давлат озиқ-овқат маҳсулотларининг талабдан ошиқ қисмини

деҳқонлардан харид қилиб, махсус омборларда сақлаш ва об-ҳаво ноқулай келиб танқислик вужудга келган йиллари бу заҳиралардан талабни қондириш мақсадида фойдаланиши мумкин. Бу тадбир ҳозирги вақтда дунёнинг бир қатор илғор давлатларида қўлланиб келинади ва ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг табиий-иқлимий шароитларга боғлиқлиги, бу тармоқда нархлар ва фермер хўжаликлари даромадининг барқарорлигига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Масалан, қулай об-ҳаво шароитида бозорга талабдан ортиқча маҳсулотнинг кириши баҳонинг кескин пасайишига олиб келиши мумкин. Бундай ҳолатни кўпроқ сабзавот, полиз, мева ва узум маҳсулотлари бозорида кузатиш мумкин. Баъзан баҳоларнинг бундай пасайиши маҳсулот таннархини қоплашга ҳам имкон бермаслиги оқибатида фермерлар катта зарар кўради. Табиийки, бундай шароитларда аграр соҳада эркин бозор муносабатлари амал қилаётган бўлса, фермер хўжаликлари хонавайрон бўлиши турган гап.

Фермер хўжаликлари фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш зарурияти қишлоқ хўжалигида капитал айланишининг хусусиятларидан ҳам келиб чиқади. Маълумки, саноат, савдо, молия бозорлари каби бир қатор тармоқларда капитал айланиши қишлоқ хўжалигига нисбатан бир неча марта юқоридир. Капитал қанча тез айланса, шунчалик кўп фойда келтириши туфайли қишлоқ хўжалигида капиталнинг секин айланиши бу тармоққа инвестиция имкониятларини кескин чегаралайди.

Аммо, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, янги ерларни ўзлаштириш ва суғориш тармоқларини барпо этиш, ишлаб чиқаришни техник қуроллантириш, фан-техника ютуқлари ва илғор технологияларни жорий этиш, экологик вазиятни барқарор ушлаб туриш каби муҳим тадбирларни амалга ошириш учун йирик капитал маблағлар талаб этиладики, бу тадбирларни ёлғиз фермер хўжаликлари маблағлари ҳисобидан амалга ошириб бўлмайди. Бунинг учун давлат бюджети ҳисобидан махсус маблағлар ажратилиши мақсадга мувофиқ. Ва ниҳоят, фермер хўжаликлари

ижтимоий ривожалниши, яъни улар учун йўллар барпо этиш, газ, сув, электр таъминоти, ижтимоий маданий объектлар куриш каби умумдават аҳамиятига эга бўлган муаммолар мавжудки, бу муаммоларни давлат ҳомийлигисиз ечиб бўлмайди.

Албатта фермер хўжаликлари фаолиятини тартибга солиб туриш тўғрисида гап борганда уларнинг фаолиятига давлатнинг бевосита аралашуви ҳақида эмас, балки давлатнинг ўз қўлидаги маъмурий, иқтисодий ва институционал дастаклар билан деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолиятига таъсир кўрсатиши ҳақида гап бораётганини унитмаслик лозим.

Фермер хўжаликлари фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш зарурияти давлатнинг олдига **бир қатор вазифаларни** қўяди. Давлатнинг фермер хўжаликлари қўллаб-қувватлаш бўйича асосий вазифалари сифатида қуйидагилар белгиланган:

- ишлаб чиқариш ва ижтимоий-маиший аҳамиятга молик объектлари бўлмаган ҳудудда фермер хўжаликлари ташкил этилганида уни бирламчи ободонлаштириш (йўллар, электр узатиш, ва алоқа линиялари куриш, сув билан таъминлаш, газлаштириш, телефонлаштириш, радиолаштириш, ер тузиш, ерларни мелиорациялаш;

- уларга ишлаб чиқариш объектлари ва турар жойларни барпо этишда ёрдам кўрсатиш;

- керакли мол-мулк ва ишлаб чиқариш воситаларини биржаларда, ярмаркаларда, бозорларда юридик ва жисмоний шахслардан олишда кўмаклашиш;

- навли уруғ ва қишлоқ хўжалик экинларининг кўчат материалларини, органик ва минерал ўғитларни, қишлоқ хўжалик экинларини зараркунандалар ва касалликлардан ҳимоя қилиш воситаларини етказиб бериш юзасидан давлат тегишли агротехник хизмат кўрсатиш тизимлари орқали техникавий хизмат кўрсатиш;

- қишлоқ хўжалиги техникаси, асбоб-ускуналари ва ашё-анжомларини лизинг асосида олишда кўмаклашиш;

- чорва моллар ва паррандалар боқиш учун шартнома асосида аралаш озуқа ажратиш, ёш чорва моллар ва паррандалар, зотдор қорамоллар олишда кўмаклашиш;

- чорва молларига зооветеринария хизмати кўрсатиш учун зарур шароитлар яратиб бериш;

- етиштирган маҳсулотларини тайёрлаш ва сотишда кўмаклашиш;

- консалтинг ва ахборот хизматлари кўрсатиш.

Қишлоқ хўжалигининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда давлатнинг фермер хўжаликлари фаолиятини тартибга солишдаги асосий вазифалари сифатида яна қуйидагиларни белгилаш мумкин:

Ҳуқуқий ҳимоялаш ва тартибга солиш вазифаси – барча хўжалик юритувчи субъектлар билан тенг шароитларда фаолият юритишини таъминлашга имкон берувчи қонуний-меъёрлар ҳужжатларни қабул қилиш ҳамда уларга риоя этилишини назорат этишни назарда тутати.

Рағбатлантириш вазифаси – хусусий тадбиркорлик ташаббуси, адолатли рақобат кураши ҳамда фермер хўжаликлари, шунингдек уларга хизмат кўрсатувчи тармоқлар фаолиятини турли иқтисодий дастаклар ёрдамида рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш чораларини ифодалайди.

Тақсимлаш вазифаси - ижтимоий адолат ва ҳимоялаш воситаси сифатида даромадларни қайта тақсимлаш, шунингдек фермер хўжаликлари моддий-техникавий ресурслардан имтиёзли асосларда фойдаланишига шароит яратиш мақсадида ресурслар тақсимотига тузатишлар киритиш билан боғлиқ.

Ижтимоий кафолатлаш вазифаси – ижтимоий таъминот ва ҳимоялашнинг самарали тизимини яратиш, шунингдек таълим, соғлиқни сақлаш ва маданий тадбирларга бўлган эҳтиёжини қондириш билан боғлиқ чора-тадбирларни ўз ичига олади.

Ахборот-маслаҳат таъминоти вазифаси - ахборот таъминоти тизимидан тенг шароитларда, тўсиқларсиз фойдаланиш имкониятини яратиш, улар учун иқтисодий муаммоларнинг самарали ечимини топиш, хом-

ашё ва ресурслар таъминоти, илғор техника ва технологияларни қўллаш юзасидан маслаҳатлар беришни назарда тутди.

Ташқи иқтисодий фаолиятни муқобиллаштириш вазифаси – халқаро бозорларда фермер хўжаликлари манфаатларини ҳимоялаш, имтиёзли божхона таърифлари ва солиқлар орқали экспорт учун қулай иқтисодий муҳит ҳосил қилиш тадбирларидан иборат.

Давлат фермер хўжаликларининг жаҳон қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат бозорларида тенг ҳуқуқли субъект сифатида қатнашиши учун қулай шарт-шароитларни яратиб бermoғи лозим. Бунинг учун давлат:

- уларининг экспортга йўналтирилган рақобатбардош маҳсулотлар етиштиришга рағбатини ошириш;
- маҳаллий бозорларда фермер хўжаликларини ташқи экспортёрлар рақобатидан етарлилик даражасида ҳимоялаш (протекционизм) воситаларини ишга солади.

Давлатнинг фермер хўжаликларини ривожлантиришни тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш борасидаги вазифалари маълум бир тамойилларга таяниб амалга оширилади. Бу тамойилларни қуйидаги тавсифлаш мумкин:

- қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашда унинг тутган ўрни ва аҳамиятини илмий тушуниш;
- зарурият ва етарлилик даражасидаги протекционизм сиёсати;
- мақсадли-дастурий тартибга солиш;
- давлат ҳомийлигининг доимий кафолатланиши;
- қўллаб-қувватлаш тадбирларининг табақаланган ҳолда қўлланилиши;
- давлат аралашувининг рағбатлантирувчи йўналишга эгаллиги;
- давлат аралашувининг ижтимоий йўналтирилганлиги.

Давлатнинг фермер хўжаликларини ривожлантиришни тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш соҳасидаги фаолияти маълум бир шакллар ҳамда усуллар асосида олиб борилади. Давлат фермер хўжаликлари фаолиятига маъмурий, иқтисодий ёки институционал усуллар ёрдамида бевосита ёки билвосита таъсир ўтказди.

Фермер хўжаликлари тартибга солиш ва қўллаб-қувватлашнинг иқтисодий усулларига қуйидагилар орқали амалга оширилади:


- молия-кредит тизими орқали қўллаб-қувватлаш;
- табақаланган ва имтиёзли солиқ тизимидан фойдаланиш;
- баҳолар паритетини сақлаш;
- ташқи иқтисодий фаолиятни рағбатлантириш ва бошқалар.

Давлатнинг фермер хўжаликлари фаолиятини иқтисодий дастаклар орқали қўллаб-қувватлаш чоралари бевосита ва билвосита шаклларда амалга оширилади. Бевосита қўллаб-қувватлаш фермер хўжаликларининг ривожланишига қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида давлат томонидан бериладиган иқтисодий рағбатлантириш чораларидан ташкил топади.

Бевосита қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғридан-тўғри фермер хўжаликларига йўналтирилган бўлади ва уларнинг моддий аҳволини яхшилаш ҳамда иқтисодий самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Бундай чора-тадбирлар сирасига солиқлар тўлашда енгилликлар бериш, имтиёзли шартлар ва фоизларда кредитлар бериш, давлат буюртмаси бўйича харид қилинадиган маҳсулотларга кафилланган баҳолар белгилаш, экспорт-импорт операцияларида қулай тарифлар ва тўловлар ўрнатиш каби иқтисодий дастаклар киради.

Баъзан давлат фермер хўжаликларига қулай шарт-шароитлар яратиш ва уларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида билвосита қўллаб-қувватлаш чораларини ишга солади. Билвосита қўллаб-қувватлашда давлат маълум бир соҳаларда тўғридан-тўғри имтиёзлар яратмасдан, балки уларга хизмат кўрсатувчи тармоқлар корхоналарига имтиёзлар яратади. Бундан асосий мақсад ушбу корхоналарнинг хўжаликларга етказиб бераётган товар-моддий қийматликлар ҳамда хизматларининг нархини сезиларли даражада пасайтириш ва оқибат натижада фермер хўжаликларига қулай иқтисодий шароитлар яратиб беришдир. Гарчи билвосита қўллаб-қувватлаш чораларининг объекти бевосита фермер хўжаликлари бўлмасада, улар муҳим аҳамиятга эга.

Фермер хўжаликларининг давлат билан иқтисодий муносабатлари кенг ва турли-туман бўлиб, бунда энг аввало ер–сув ресурсларидан фойдаланиш, ижара муносабатлари, давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот етиштириш, бюджет-солиқ ва молия–кредит, баҳо каби иқтисодий муносабатлар асосий ўрнини эгаллайди .



2-ЧИЗМА. Фермер хўжалигида маҳсулот етиштиришни самарали бошқаришга давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлашнинг таъсирини белгиловчи асосий иқтисодий муносабатлар

Манба: Муаллифнинг тадқиқотлари асосида тузилган.

Қишлоқ хўжалик корхоналарининг давлат билан иқтисодий муносабатларини бевосита ва билвосита шаклда талқин этиш мумкин.

Фермер хўжаликларининг давлат билан иқтисодий муносабатлари энг аввало хўжалик юритиш шарт-шароитларидан келиб чиқади. Ердан фойдаланишда ернинг табиий хусусиятлари қишлоқ хўжалигини ташкил этишда ва ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этишини унутмаски лозим. Аммо, ҳол қилувчи омил бу, иқтисодий шарт-шароитлардир. Шундан келиб чиққан ҳолда фермер хўжалигининг давлат ерларини узоқ муддатли ижарага олиш и шартларини тўғри белгилаб олиш, ердан фойдаланганлик учин олинадиган ҳақ, яъни ер солиғи миқдорини асосли белгилаш бўлади.

Бозор муносабатларининг кенгайиши ва иқтисодиёт эркинлаштириши сайин давлат кўпроқ деҳқоннинг тенг ҳуқуқли ҳамкорига айланиб, улар ўртасидаги муносабатлар объекти фақат ягона ер солиғи ҳисобланади.

Иқтисодий муносабатлар тизимида жамият манфаатларининг иштирок этиши қишлоқ хўжалик корхоналарининг бир қисм даромадларини солиқлар сифатида бюджетга ундиришнинг тақозо этади. Фермер хўжаликлари ҳам солиқ тўлови субъект сифатида ягона ер солиғи тўловчи сифатида давлат билан иқтисодий муносабатларга киришади. Бунда фермер хўжалиги олдида ер солиғи миқдорини тўғри ва аниқ ҳисоблаш ҳамда ўз вақтида давлат бюджетига ўтказиб бориш маъсулияти юкланади.

Солиқларнинг ўз вақтида ва тўлиқ тўланишидан бўйин товлаш тегишли жарима ва бошқа санкциялар билан тартибга солиб турилади.

Шу билан бирга давлат олдида солиқ юкининг ишлаб чиқарувчилар учун оғир юк бўлмаслиги ва солиқларнинг рағбарлантирувчи тусга эга бўлиши учун маълум бир мажбуриятлар олади

Фермер хўжаликларининг давлат билан иқтисодий муносабатлари давлат буюртмаси асосида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш соҳасида ҳам амалга оширилади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрлаш учун давлат буюртмаси деҳқон учун фойдали бўлиб, давлат харид баҳолари энг муҳими қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қисми учун белгиланадиган давлат харид нархлари рағбатлантирувчи кучга эга бўлиши ва корхоналар учун ишлаб чиқариш харажатларини қоплаб маълум бир миқдордаги фойда кўришига имкон яратиши лозим .

Давлат стратегик аҳамиятига эга бўлган қишлоқ хўжалик, маҳсулотлари-пахта ва ғалла (буғдой дони), шоли учун қишлоқ хўжалик корхоналарига давлат буюртмалари беради.

Давлат буюртмалари ҳажми қишлоқ хўжалик маҳсулотлари турлари бўйича қуйдагича ўрнатилган:

- буғдой учун режалаштирилган ҳосилнинг 50% миқдорида;

- пахта учун режалаштирилган ҳосилнинг 70% ини давлат харид нархларида ва қилган 30% ини эркин шартномавий нархларда сотиш.

Давлат буюртмаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 31 декабрдаги ПФ-2165-сонли фармони билан ташкил этилган “Давлат эҳтиёжлари учун харид этиладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан ҳисоб-китоб қилиш жамғармаси” маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Давлат буюртмаси ҳажми туман ҳокимиятлари қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармалари томонидан ҳар бир хўжаликнинг ер майдони балл бонитетидан келиб чиқиб белгиланадиган ҳосилдорликдан белгиланади.

Давлат буюртмалари фермер хўжаликлари билан тузиладиган шартномалар орқали расмийлаштирилади. Шартномани давлат томонидан “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан ҳисоб-китоб жамғармаси”нинг тижорат агентлари ҳисобланадиган субъектлар:

- ғалла бўйича “Ўздонмаҳсулот” Давлат Акциядорлик жамиятининг жойларидаги бўлинмалари;
- пахта бўйича “Ўзпахтасаноатсотиш” Ассоциациясининг туманлардаги пахта тозалаш заводлари орқали расмийлаштириладилар.

Жамғарма, шунингдек давлат буюртмаси бўйича маҳсулот етиштирувчи хўжаликларини ўз вақтида молиялаштириш учун “Пахтабанк” РАТБ ва “Ғаллабанк” РАТБларни молия агенти сифатида ёллайди.

Фермер хўжаликларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва уларнинг фаолиятини тартибга солиб туришни такомиллаштириш давлатнинг истиқболдаги аграр сиёсатини амалга ошириш йўналишларига узвий боғлиқдир. Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг аграр сиёсатида истиқболда қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчи асосий субъект – фермер хўжаликларини ҳар томонлама ривожлантириш кўзда тутилган.

Республикада фермер хўжаликларини давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлашни қуйидаги йўللار билан такомиллаштириш кўзда тутилмоқда:

- фермер хўжаликларининг тўлиқ иқтисодий ва молиявий мустақиллигини таъминлайдиган ва фермер хўжаликларига узоқ муддатли ижарага берилган қишлоқ хўжалиги ер ресурсларидан мақсадли, оқилона ва

самарали фойдаланишни рағбатлантирадиган ҳукукий шарт-шароитлар ва кафолатларни яратиш;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни молиялашнинг бозор тамойилларига жавоб берадиган услуб ва шакллари тақомиллаштириш, молиявий маблағлардан фойдаланишда фермер хўжаликларининг мустақиллигини, барча харажатларни қишлоқ хўжалигини сотишдан тушадиган ўз даромадлари ҳисобига қоплашни таъминлайдиган ишончли тизимни шакллантириш;

- бозор шароитида бизнесни бошқариш кўникмаларига эга бўлган фермер хўжаликлари раҳбарлари ва мутахассисларини тайёрлаш тизимини яратиш;

- қишлоқда фермер хўжаликларининг эҳтиёжларига қараб барча зарур хизматларни кўрсата оладиган замонавий ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаларини жадал ривожлантириш;

- фермер хўжаликларининг бошқа корхона ва ташкилотлар билан шартномавий муносабатларига риоя этилишини назорат этиш;

- фермер хўжаликларининг тадбиркорлик эркинлиги ва ҳуқуқларини ҳар томонлама муҳофаза этиш, қонунда кўрсатилган ҳуқуқлари бузилишига йўл қўймаслик ва ички фаолиятига аралашувнинг ҳар қандай кўринишига йўл қўймаслик;

- фермер хўжаликларининг барқарор даромад олишлари учун керакли шарт-шароитларни таъминлаш ҳамда қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотлари нархлари ўртасидаги мутаносиблик, яъни «баҳолар паритети»ни сақлаб бориш;

- уларни илғор технология ва техникалар билан таъминлаш тизимини тақомиллаштириш;

- маҳсулотларини сотишнинг энг мақбул йўллари ишлаб чиқиш.

- тижорат банклари ҳамда бюджетдан ташқари жамғармаларнинг фермерликни ривожлантиришга йўналтираётган кредит ресурсларини кўпайтиришни ҳар томонлама рағбатлантириш;

■ кредит таваккалчилигини суғурталовчи институционал тузилмаларни кенг ривожлантириш.

Фермер хўжаликларини давлат билан иқтисодий муносабатлари тузишда улар фаолиятини давлат томонидан иқтисодий рағбарлантириш ва қўллаб-қувватлаш муҳим аҳамият касб этади.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида мавжуд хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганиш шуни кўрсатадики бозор иқтисодиётига асосланган мамлакатларда давлат бошқаруви, тартибга солиш биринчи навбатда деҳқончиликда вақти-вақти билан бўлиб турадиган инқирозларни бартараф этишга, шунингдек қудратли агробизнес билан бўладиган рақобатли курашда фермерларга давлат ёрдами кўрсатишга қаратилади ва жуда кўп ижтимоий ва иқтисодий масалалар мана шундай йўллар билан ҳал этилади.

Фикримизча, хорижий мамлакатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда фермер хўжаликларини молия-кредит механизми орқали қўллаб-қувватлашни қуйидаги йўналишларда такомиллаштириш мақсадга мувофиқ:

- фермерлик иншоатлари, бинолар қуриш, техника воситалари, асбоб-ускуналар ва янги технологияларни ўзлаштиришга йўналтирилган, муддати 5 йилдан 10 йилгача бўлган ва фоизи йилига 8-10 фоиздан ошмайдиган узоқ муддатли кредитлар беришни йўлга қўйиш ва уни кредит рискларидан кафолатлайдиган махсус “кафолат жамғармаси”ни ташкил этиш;

- ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва янги ерларни ўзлаштириш мақсадларига хизмат қилувчи давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирадиган жамғарма шакллантириш (ягона ер солиғининг бир қисmini йўналтириш орқали);

- ерларни узоқ муддатли ижарага олиш ҳуқуқини ва бўлғуси ҳосилни кредит учун кафолат сифатида қабул қилиш механизмини кучайтириш ва “ипотека кредити” тизимини кенгайтириш.

Фермер хўжаликлари фаолиятини давлат томонидан тартибга солиб туриш жараёни доимо такомиллаштирилиб борилади.

3.2. Фермер хўжалигида махсулот етиштиришни самарали бошқариш тизимини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари.

Фермер хўжалигида махсулот етиштиришни самарали бошқариш тизимига алоҳида эътибор берилмоқда. Бу соҳада иқтисодий усулларни тутган ўрни ва аҳамияти бекиёс даражада каттадир. Сабаби иқтисодий усуллардан самарали фойдаланиш бозор иқтисодиёти муносабатларини ривожланиши учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратади ва шу билан бирга махсулот етиштириш жараёнини самарали йўлга қўяди. Жумладан, фермер хўжалигида иқтисодий усуллардан кенг фойдаланилиши уни барқарор ривожланиши учун зарур бўлган таркибий ўзгаришларнинг такомиллашини таъминлаб уни иқтисодий самарадорлигини оптимал даражага кўтариш имкониятини яратади. Фермер хўжалигида бу соҳадаги имкониятлардан нисбатан олинганда талаб даражасида фойдаланилмоқда. Буни биз фермер хўжалигида ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигининг асосий ва яқунловчи кўрсаткичи бўлган рентабеллик даражасини охириги уч йилда кескин кўтарилиб бораётганидан яққол кўришимиз мумкин.

Фермер хўжалигида эришилган рентабеллик ҳозирча оптимал даражадан паст, лекин бу соҳада олиб борилаётган ишлар тўла амалга оширилса рентабеллик даражаси оптимал даражага етади ва фермер хўжалигида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни белгиланган суръатларда амалга ошириш учун зарур бўлган молиявий маблағларга эга бўлиш имкониятини беради.

Хўжаликда ишлаб чиқариш харажатларидан тежаб-тергаб фойдаланишга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу соҳада фермер хўжалиги жамоасини ишбилармонлиги ва тадбиркорлиги ҳам алоҳида ўрин тутди. Жамоа аъзолари мавжуд ресурслардан тўғри ва оқилона фойдаланишга алоҳида эътибор беради ва уни иқтисодий жижатдан қаттиқ назорат қилади.

Шу билан бир қаторда фермер хўжалиги олдида бошқариш усулларида фойдаланишни янада такомиллаштириш ва иқтисодий самарадорликни ошириш бўйича бир қатор вазифалар мавжуд бўлиб, уларни амалга ошириш учун қуйидагиларга эътибор бериш мақсадга мувофиқ бўлади. Аввало фермер хўжалигида иқтисодий усуллардан самарали фойдаланиш асосида иқтисодий самарадорликни талаб даражасига кўтариш чораларини кўриш лозим. Фермер хўжалигида иложи борица маъмурий фармойиш усулларида камроқ фойдаланиб, иқтисодий усулларни кенг қўлланилишига етарлича шарт-шароитларни яратиш зарур.

Бу соҳада ижтимоий рухий бошқариш усулларида ҳам эътиборни кучайтириш лозим. Сабаби ижтимоий рухий усуллар фермер хўжалиги меҳнат жамоасини жисплаштириб уларни ахил жамоага айлантириш ҳамда ходимларни маънавий ва иқодий жиҳатдан рағбатлантириш имкониятларини яратади. Ижтимоий рухий усулларнинг афзаллиги шундаки уларни қўлланилиши одатда катта сармояларни талаб қилмайди. Шунинг учун ҳам фермер хўжалигида ушбу усуллардан кенг ва самарали фойдаланилиши албатта ўзининг ижобий натижаларини беради. Бу фермер хўжалигига истиқболда бозор механизми талабларига тўла амал қилиш учун мустақкам замин тайёрлайди.

Фермер хўжалигида ишлаб чиқаришни модернизациялаш асосида уни техник-технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш зарур. Бунда асосий эътиборни фермер хўжалигида агротехник чора-тадбирларни камида 80 фоизини ўз кучи билан амалга ошириш имкониятини яратишга қаратиш лозим. Фермер хўжалигида ишлаб чиқаришни модернизациялаш жараёнини самарали амалга оширилиши ходимларни касбий тайёргарликларини ва маълумотини кескин яхшиланишини талаб этади. Ундан ташқари хўжаликда банд бўлган ходимларнинг бир-бирига яқин бўлган камида 4-6 та қўшимча касбларни эгаллашларини таъминлаш керак.

Хўжалик аъзоларининг нафақат техник-технологик соҳалардаги балки иқтисодий ва ҳуқуқий билимларини ва амалий кўникмаларини

мустахкамлашга ҳам эришиш керак. Бу соҳада жойларда мақсадли ўқишларни ва семинарларни мунтазам ва самарали ташкил этилиши ҳам яхши натижа бериши мумкин.


Фермер хўжалигига хорижий инвестицияларни жалб этиш асосида уни йирик, иқтисодий жihatдан бақувват ва кўп тармоқли хўжалик юритиш шаклига айлантириш керак. Жумладан, фермер хўжалиги қошида қўшимча ишлаб чиқариш тармоқларини ва хизмат кўрсатиш тизимига таалукли бўлган шахобчаларни ташкил этишни йўлга қўйиш зарур.

«Хабибулло чорбоғи» фермер хўжалигида юқоридаги масалаларни ижобий хал этилиши уни иқтисодий жihatдан ривожлантириш имкониятини беради.

«Хабибулло чорбоғи» фермер хўжалигида бошқаришнинг иқтисодий усулларини қўллаш бўйича тажрибаларни ўрганиш ва бу соҳада мавжуд бўлган камчиларни таҳлил этиш асосида қуйидаги фикр-мулоҳазаларга келдик.

Фермер хўжалигида бошқариш усулларида, айниқса маъмурий усуллардан ўз ўрнида ва меъёрида фойдаланишга алоҳида эътибор бериш зарур. Маъмурий усуллардан фойдаланиш асосан иқтисодий усулларни қўллаш учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратилишига йўналтирилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Бунда асосий эътиборни иқтисодий усулларга қаратиш лозим.

Ҳозирги кунда иқтисодий усулларнинг бошқариш тизимида тутган ўрни ва аҳамиятини кескин ошириш зарур. Сабаби иқтисодий усулларни самарадорлиги юқори бўлиб уларни қўлланилиши катта харажатлар талаб қилинмайди. Энг асосийси эса иқтисодий усуллар фермер хўжалигини бошқариш тизимини бозор талабларига мос келишини таъминлайди. Бу фермер хўжалигида ишлаб чиқариш ресурсларидан тежаб-тергаб фойдаланиш асосида ишлаб чиқариш харажатлари билан ҳосилдорлик ва ялпи маҳсулот ўртасидаги нисбатларни талаб даражасида сақлаш имкониятини яратади.



Манба: Муаллифнинг тадқиқотлари асосида тузилган.

Хўжаликда қўлланилаётган иқтисодий усулларининг самарадорлиги нисбатан олганда ҳали талаб даражасидан паст бўлиб улардан самарали фойдаланиш асосида хўжаликни иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожланишини таъминлаш чора-тадбирларини кўриш лозим. Аввало хўжаликни тежаб-тергаб юритишга эътибор бериш зарур. Хўжаликда қилинган ҳар қандай харажат даромад келтирсагина ўзини оқлайди. Демак фермер хўжалигида харажатларни даромадлар билан таққослаш асосидагина қарорлар қабул қилиниши керак.

Фермер хўжалигида ялпи маҳсулот қийматини ишлаб чиқариш харажатларига нисбатан устун даражада ўсишини таъминлаш лозим. Шундагина фермер хўжалиги самарадорлигини таъминлаш учун зарур бўлган фойда ҳажмига ва маҳсулот таннархини пасайишига эришиш мумкин. Бу соҳада ер бирлиги ҳисобига олинadиган фойда ҳажмига ҳам эътибор бериш лозим. Яъни фойда ҳажми кескин оширилиши асосида рентабелликни ишлаб чиқариш бўйича камида 35-40 фоизга кўтарилишини таъминлашни чора-тадбирларини кўриш керак. Фермер хўжалигида пахта ва ғалла ҳосилдорлигини ошириш имкониятлари ҳам мавжуд.

Фермер хўжалигида пахта ва ғалла етиштириш бўйича оптимал даражага кўтариш чора-тадбирларини кўриш зарур. Шундагина фермер

хўжалиги кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни белгиланган суръатларда амалга ошириш учун зарур бўлган молиявий имкониятларга эга бўлади.

Фермер хўжалигида ишлаб чиқаришни модернизациялаш шароитида иқтисодий усуллардан кенг фойдаланиш асосида уни иқтисодий самарадорлигини оптимал даражага кўтариш бўйича ўзининг бу соҳадаги истиқболли дастурни ишлаб чиқиб барча ишларни уни асосида амалга ошириши зарур.

Юқоридаги натижаларга эришилиши учун хўжаликда иқтисодий усуллардан самарали фойдаланилиши керак. Иқтисодий усулларни қўлланилиши ва кўзланган якуний натижаларга эришилиши учун хўжаликда маъмурий-ташкилий усуллардан меъёрида фойдаланиш тавсия этилади.

Маъмурий-ташкилий усуллардан иқтисодий усулларни самарали қўллаш учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратиш мақсадида фойдаланилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Бизни фикримизча юқоридаги тадбирларни самарали амалга ошириш мақсадида «Хабибулло чорбоғи» фермер хўжалиги ўзининг бу соҳадаги истиқболли дастурни ишлаб чиқиб барча ишларни уни асосида амалга оширилиши яхши самара бериши мумкин. Истиқболли дастур камида 5 йилга мўлжалланган бўлиб унда фермер хўжалигининг таркибий тузилишини тубдан ўзгартириш ва бозор талабларига мослаштириш масалалари тўла ҳал қилиниши зарур.

Жумладан фермер хўжалигида ишлаб чиқаришни модернизациялаш асосида уни янги техника ва технологиялар билан таъминланишини амалга ошириш чора-тадбирлари белгиланишини зарур.

Ундан ташқари фермер хўжалигида ишлаб чиқаришни диверсификациялашни амалга ошириш асосида уни кўп тармоқли ва иқтисодий жиҳатдан бақувват қишлоқ хўжалик корхонасида айлантиришнинг асосий йўналишлари белгиланиб уларни амалга ошириш учун зарур бўлган чора-тадбирлар тизими ҳам аниқ кўрстилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

«Хабибулло чорбоғи» фермер хўжалигида бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича тўпланган маълумотларни таҳлил этиш асосида қуйидаги фикр-мулоҳазаларга ва хулосаларга келдик.

1. Фермер хўжалигида бошқариш усулларида самарали ва ўз ўрнида фойдаланишга алоҳида эътибор бериш зарур. Қишлоқ хўжалиги тараққиётининг ҳозирги босқичида иқтисодий усулларда тутган ўрнини ҳисобга олиб фермер хўжалигини бошқариш жараёнида уларга асосий эътиборни қаратиш лозим. Сабаби иқтисодий усулларни самарадорлиги юқори бўлиб уларни қўлланилиши катта харажатлар талаб қилинмайди. Бу фермер хўжалигида ишлаб чиқариш ресурсларидан тежаб-тергаб фойдаланиш асосида ишлаб чиқариш харажатлари билан ҳосилдорлик ва ялпи маҳсулот ўртасидаги нисбатларни талаб даражасида сақлаш асосида оптимал самарадорликка эришиш имкониятларини яратади.

2.»Хабибулло чорбоғи» фермер хўжалиги ишлаб чиқаришни модернизациялаш шароитида бошқариш структурасини такомиллаштириш масалаларига асосий эътиборни қаратиш лозим. Бунда фермер хўжалигини техник-технологик жихатдан қайта жихозлаш жараёнида малакали ишчи кучига булган талабни кескин ошиши ва умумий ходимлар сонини қисқариши каби узгаришларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ булади.

3.»Хабибулло чорбоғи» фермер хўжалигида бошқаришни такомиллаштириш мақсадида унинг меҳнат жамоаси таркибини тубдан яхшилаш чораларини кўриш лозим. Бунда асосий эътиборни ходимларнинг маълумотига, касбий тайёргарлигига, ишлаб чиқариш тажрибасига ва кўникмасига қаратиш лозим. Фермер хўжалигида меҳнат жамоасининг нафақат техник-технологик соҳадаги тайёргарлигини балки уларни иқтисодий ва ҳуқуқий билимларини ҳам ошириб боришга аҳамият бериш лозим. Бу бошқариш жараёнида иқтисодий усуллардан самарали фойдаланиш имкониятини беради.

4. Фермер хўжалигида хўжалик юрителининг янги шакллари жорий этилишига, ерга эгалик ва ундан фойдаланиш муносабатларини янада такомиллаштирилишига, бошқариш тизимининг бозор муносабатларига тўла мослашига ҳамда ишлаб чиқаришни модернизациялашга ва диверсификациялашга алоҳида эътибор бериш керак.

5. Фермер хўжалигида маъмурий фармойиш усулларида камроқ фойдаланиб, улардан иқтисодий усуллари кенг қўллашга етарлича шарт-шароитлари яратиш учун фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу бозор иқтисодиётининг асосий тамойилларида бири ҳисобланиб бозор механизмининг тўла қонли фаолият кўрсатишига зарур бўлган шарт-шароитлари яратиб беради. Маъмурий бошқариш усулларида зўр бериш бошқариш ходимлари сонини асоссиз қўпайишига ва харажатлари меъёридан ортишига олиб келади.

6. Фермер хўжалигида ишлаб чиқаришни модернизациялаш жараёнини қўп қиррали мураккаб жараён ҳисобланади. Шунинг учун ҳам модернизациялаш ўзининг мантиқий натижасига етгандагина қўйилган иқтисодий самарадорликни бериши мумкин.

7. Фермер хўжалигида ишлаб чиқаришни модернизациялаш жараёнини самарали амалга оширилиши ходимларни касбий тайёргарликларини ва маълумотини кескин яхшиланишини талаб этади. Хўжаликда ходимларнинг техник-технологик соҳалардаги билим ва амалий қўникмалари мустаҳкамлаш билан бир қаторда, уларни иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқарув соҳалари бўйича ҳам билимларини оширишга эътибор бериш керак.

8. Фермер хўжалигига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш асосида уни қўп тармоқли бақувват хўжалик юрители шаклига айлантириш чора-тадбирларини амалга ошириш керак. Хорижий инвестициялар нафақат ишлаб чиқаришни техник-технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга балки фермер хўжалиги қошида қўшимча ишлаб чиқариш тармоқларини ва хизмат кўрсатишга таалуқли бўлган микрофирмаларни ташкил этишга ҳам йўналтирилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

9. Фермер хўжалигида иқтисодий самарадорликни пахта ва ғалла етиштириш бўйича оптимал даражага кўтариш чора-тадбирларини кўриш зарур. Шундагина фермер хўжалиги кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни белгиланган суръатларда амалга ошириш учун зарур бўлган молиявий имкониятларга эга бўлади.

10. Фермер хўжалигида маҳсулот етиштиришни самарали бошқаришга таъсир этувчи иқтисодий воситалардан кенг фойдаланиш асосида иқтисодий самарадорликни оптимал даражага кўтариш мақсадида ўзининг бу соҳадаги истиқболли дастурини ишлаб чиқиб барча ишларни уни асосида амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т. Ўзбекистон 2003 йил.
2. Ўзбекистон Республикасининг Ер Кодекси. Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари. 1-китоб. – Т.: 1999.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонуни. «Халқ сўзи». 2004 йил 27 август.
4. Ўзбекистон Республикасининг Давлат ер кадастри тўғрисидаги қонуни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 25-сон.
5. Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари. 3-китоб. – Т.: 1999

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 мартдаги ПФ-3226 сонли фармони «Қишлоқда ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида». Халқ сўзи. 2003 йил 25 март
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 6 октябрдаги ПФ-3077-сон «Фермер хўжаликлари фаолиятини юритишда ер участкалари миқдорини мақбуллаштириш чораларини кўриш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш бўйича махсус комиссия ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойиши. Тошкент-2008й.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 22 октябрдаги «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4478 фармони. Тошкент-2012й.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида шартномавий муносабатларни такомиллаштириш ва мажбуриятларнинг бажарилиши учун томонларнинг жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори. Тошкент-2003 йил 4 сентябр 383-сон.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. “Ҳосилдорлиги паст бўлган ерларда давлат эҳтиёжлари учун пахта хом ашёси етиштирувчи кишлоқ хужалиги корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” Тошкент ш., 2012 йил 11 апрель, 106-сон.

6. Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 31 январдаги “Фермер хўжалиги ер майдонини мақбуллаштириш ва уни тугатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” ги қарори. Тошкент ш., 2013 йил 31 январь, 22-сон.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори “Томчилатиб суғориш тизимини ва сувни тежайдиган бошқа суғориш технологияларини жорий этиш ва молиялаштиришни самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” Тошкент ш., 2013 йил 21 июнь, 176-сон

8. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт Вазирлигининг қарори “Пахта хом ашёсини етиштиришда юқори ҳосилдорликка эришган фермер хўжаликларини рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” Тошкент ш., 2013 йил 26 сентябрь, 49-сон

9. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи, 17.01.2015.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. И.А.Каримов «Ўзбекистоннинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари Т., Ўзбекистон. 1995 йил
2. И.А.Каримов «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» Т.: Ўзбекистон. 1995 йил
3. И.А.Каримов «Ўзбекистон буюк келажак сари» Т., Ўзбекистон, 1998.
4. И.А.Каримов. Барқарор тараққиётга эриш устувор вазифа. Т Ўзбекистон 1998.

5. И.А.Каримов «Дехқончилик тараққиёти – тўқин ҳаёт манбаи» Т.: Ўзбекистон. 1998 йил
6. И.А.Каримов «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартарф этишнинг йўллари ва чоралари». Т.: Ўзбекистон. 2009 йил

4. Соҳага оид меъёрий ҳужжатлар

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарорида тасдиқланган «Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш ҳаражатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом». Тошкент-“Адолат”-1999й.
2. Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қонун ва меъёрий ҳужжатлар тўплами. (1-2 қисм). Тошкент 1998 йил.

5. Асосий адабиётлар

1. О.Зокиров, А.Абдуллаев, Ш.Зокиров. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. (ўқув қўлланма). Андижон, 2002.
2. А.Исмоилов, О.Муртазаев. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти (дарслик). Т.: 2002.
3. Б.Салимов, К.Ҳамдамов. Дехқон ва фермер хўжаликлари иқтисодиёти (ўқув қўлланма) Тошкент 2004 йил. й.
4. О'Р.Umrzaqov va b. Fermer xo'jaligi iqtisodiyoti. – Т.:”Iqtisod-moliya” 2007.
5. А.А.Абдуғаниев, А.Абдуғаниев. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти (дарслик). Тошкент, 2010.

6. Қўшимча адабиётлар

1. М.Шарифхўжаев, Ё.Абдуллаев. Менежмент. – Т.: «Молия», 2003.
2. Б.Салимов ва б. Дехқон ва фермер хўжаликлари иқтисодиёти. – Т.:ТДИУ, 2004
3. Р.Ҳакимов ва б. Агросаноат мажмуи иқтисодиёти. – Т.:ТДИУ, 2004
4. О.Олимжонов ва б. Фермерлик фаолиятининг ҳуқуқий ва молиявий

асослари. Т. «Университет», 2005.

7. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар.

1. Хўжаобод туманидаги «Хабибулло чорбоғи» фермер хўжалигининг 2012-2014 йиллардаги бизнес режалари, йиллик ҳисоботлари ва бошқа маълумотлар.

8.Интернет манбалари

1. www.msu.ru. – Москва Давлат Университети.Иқтисодиёт факультети.
2. www.rsute.ru. - Г. Плеханов номидаги Москва иқтисодиёт академияси.
3. www.tsue.uz.- Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети
4. www.timacad.ru.-К.А.Тимирязев номидаги Москва давлат қишлоқ хўжалиги академияси, иқтисодиёт факултети.
5. www.pravo.uz. Ўзбекистон республикаси қонунчилик базаси.
- 6.www.ziynet.uz – Ўзбекистон ОЎМТВ қошидаги электрон кутубхона.
- 7.www.lex.uz -Қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар миллий базаси.